Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Р. Р .Юнусовни «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Давлат идораларидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини ривожлантиришдаги хизматлари ҳамда республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштироки учун Рустам Расулович Юнусов «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 13 октябрь

«Ўзбекистон дўстлари» жамияти

Вашингтонда «Ўзбекистон дўстлари» жамияти тузилди. Унинг таъсис мажлиси Ўзбекистон Республикасининг Америка Қўшма Штатларидаги элчихонасида бўлиб ўтди. Жамиятнинг ҳамраислари этиб АҚШ фуқаролари Маржи Шанклин (Виржиния штатининг Маклин шаҳридан) ва Жоан Жордано (Мэриланд штатининг Бесезда шаҳридан) сайланди.

Ушбу жамият АҚШ ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантириш, икки мамлакат ноҳукумат ташкилотлари ва халқ дипломатияси фаолиятларини янада юқори босқичга кўтариш ва бошқа йўналишларда фаолият кўрсатади. Жамият ҳозирги пайтда Ўзбекистонда турли соҳаларда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, ўзбек халқининг тарихи ва маданияти тўғрисида АҚШ жамоатчилигини хабардор қилиб туриш ва келажакда бу йўналишда турли анжуманлар ўтказишни ўзига мақсад қилиб олган.

Жамиятнинг яқин кунлар ичида Вашингтон шаҳрида ноҳукумат ташкилот сифатида рўйхатдан ўтказилиши кўзда тутилган.

«Жаҳон» АА

«Ёшлар» канали иш бошлади

Қорақалпоғистон телевидениесида «Ёшлар» канали ўз ишини бошлади. Дастлабки босқичда ушбу канал орқали ҳар пайшанба куни 2-2,5 соат давомида кўрсатувлар берилиши йўлга қўйилди.

Қорақалпоғистон радиосининг «Ёшлар» канали эса шу йил сентябрь ойидан эътиборан фаолият кўрсатаётир. Бу ерда ҳозирча ҳар куни бир соат давомида «Ёшлар» канали эшиттиришлари бериб борилмоқда.

— Эшиттиришларимиз тингловчиларга, асосан ёшларимизга маъқул бўляпти, — дейди канал муҳаррири Рисгул Жумабоева. — Қисқа вақт давомида радиотингловчиларимиздан кўплаб мактублар олдик. Хатлар муаллифларининг фикр ва мулоҳазалари асосида эшиттиришларни янада мазмунли тайёрлашга ҳаракат қилмоқдамиз. Каналимизга энг тажрибали радиожурналистлар жалб этилган.

Р. Жумабоеванинг таъкидлашича, келгусида «Ёшлар» радиоканали эшиттиришлари вақтини кўпайтириш имкониятлари кўзда тутиляпти.

«Туркистон-пресс»

Бугун газетамизда партиянинг III Қурултойида, 1999 йил 8 октябрда қабул қилинган, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг янги таҳрирдаги Дастури матни эълон қилинмоқда.

(2-3-4 бетларга қаранг)

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 14 октябрь, пайшанба • № 120 (25.515).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Халқ демократик партияси III Қурултойининг қарори

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг янги таҳрирдаги Дастури тўғрисида

1. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг янги таҳрирдаги Дастури тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг янги таҳрирдаги Дастури партия матбуотида чоп этилсин ва Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, шаҳар ҳамда туман партия кенгашларига уни партия барча аъзоларига етказишни ташкил этиш топширилсин.

3. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашига янги таҳрирдаги Дастурни партия аъзолари томонидан ўрганишни ва аҳоли орасида тарғиб қилишни уюштириш вазифаси топширилсин.

Тошкент шаҳри. 1999 йил 8 декабрь.

Сайлов ва сайловчи

Жиддий масъулият билан

Сайловлар жараёни қизғин паллага кирди. Айни дамларда республикамизда фаолият кўрсатаётган бешта сиёсий партиядан, ҳокимият вакиллик органи ҳамда бевосита фуқаролар ташаббускор гуруҳларидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар кўрсатиш давом этмоқда. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддасида округ сайлов комиссиясининг ваколатлари белгилаб берилгандир. Яъни, округ сайлов комиссияси сайлов округи ҳудудида ушбу Қонун ижросини назорат қилади, сайлов участкаларини тузади, округ бўйича уларнинг тартиб рақамини белгилайди, манзилини кўрсатган ҳолда уларнинг рўйхатини эълон қилади, участка сайлов комиссияларининг фаолиятларини мувофиқлаштириб боради, маблағларни участка сайлов комиссиялари ўртасида тақсимлайди, участка сайлов комиссияларининг бинолар, транспорт, алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади ва сайлов округида сайловни моддий техника жиҳатидан таъминлашнинг бошқа масалаларини кўриб чиқади.

Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи 20-Шайхонтоҳур сайлов округида тайёргарлик ишлари қизғин. Шу кунга қадар округ ҳудудида истиқомат қилаётган сайловчилар сонини ҳисоблаб чиққан ҳолда 21та сайлов участкаси тузилган. Ҳар бир сайлов участкаси қулай бинолар, алоқа воситалари, компьютер ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланмоқда.

Округ ва участка сайлов комиссиялари таркибида етук ҳуқуқшуносла, ўқитувчилар, муҳандислар, маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоллари ва ташкилот раҳбарлари фаол ҳаракат қилишаётир.

Ҳар қандай ишга пухта ўйланган режа асосида киришилади. Округ ва участка сайлов комиссиялари ҳам сайлов жараёнида амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларни режалаштириб олган.

Маълумки шу кунларда номзод кўрсатиш жараёни қизғин давом этаётир. Сиёсий партиялар, хокимият вакиллик органлари билан бир қаторда бевосита фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан ҳам номзодлар кўрсатилмоқда. Айни дамларгача сайловчилар ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатилган икки нмзод рўйхатга олинди. Улар —Йулдош Охунбобоев номли республика тиббиёт билим юрти директори Турсунхон Умарова ҳамда республика «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви раиси Шуҳрат Жалиловдир.

Сайлов ҳар биримиз учун катта синов. Эртанги келажагимиз, юрт равнақи, халқимизнинг фаровон турмуши мана шу сайловлар натижасига боғлиқдир. Номзодларга тенг шароитлар ҳамда сайловчиларга барча қулайликларни яратиш биздан жиддий масъулият талаб қилади. Комиссиямиз аъзолари ана шу масъулиятни дилдан ҳис этган ҳолда астойдил ҳаракат қилишаётир.

Абдурахмон ҒОФУРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари сайловини ўтказувчи 20- Шайхонтоҳур сайлов округи раиси.

Икки чечак

Владимир ПАНОВ олган сурат

«Пахта–99»

«Пахта банк»дан одамлар мамнун

Сирдарё вилоят пахта далаларида йиғим-терим кун сайин авжига минмоқда. Деярли 10 кундирки вилоятда 3-3,5 фоиз миқдорида пахта териб олинмоқда. Бу катта сафарбарлик, ташкилотчилик айни пайтда теримчиларни моддий рағбатлантириш ишларининг яхши йўлга қўйилганлигидандир.

Қўриқ воҳа далаларида ҳозирги дамларда 180 мингга яқин теримчи ва 500 га яқин терим агрегатлари, шу жумладан, 105 та «Кейс» терим машиналари ишлаб турибди. Вилоят деҳқонлари бу йил 324 минг тонналик «оқ олтин» хирмонини бунёд этишга бел боғлаганлар. Режанинг 60 фоизидан ошиғи уддаланди. Бу юксак хирмонда ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат «Пахта банк»ининг жойлардаги бўлимлари ходимларининг ҳам ҳиссалари бор.

— Пахта терими учун ҳақ тўлаш ишларини бу йил аниқ ва пухта ташкил этганмиз, — дейди вилоят «Пахта банк»и бошқаруви раиси Ҳамид Сайдалиев. — Теримчилар, механизаторлар учун ҳар 5 кунда қилган ишларига ҳақ тўлаб борилмоқда. Бу борада бирон чалкашликка йўл қўйилмаяпти.

«Пахта банк»чилар бу йил йиғиб-териб олинажак «оқ олтин» ҳосили учун 2 миллиард 115 миллион сўм пул тўлашни режалаштириб қўйганлар. Ҳозирга қадар 900 миллион сўмликдан ортиқ ҳақ тўлаб бўлинди.

«Пахта банк»нинг Боёвут, Ғулистон, Ш.Рашидов туманларидаги бўлимлари ишидан пахтакорлар мамнун.

Терим учун тўловларни назорат қилиш гуруҳлари жойларда бўлиб, мунтазам текширишлар олиб бормоқда. Ҳар бир тўловдан кейинги вазият тезлик билан таҳлил қилинади ва тегишли чоралар кўрилади.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Вобкент армуғони

Вобкент тумани пахтакорлари бу йил ҳам Бухоро вилоятида биринчи бўлиб ғалаба маррасини эгалладилар. Аҳдига вафодорлар қабул масканларига 37410 тонна «оқ олтин» топширдилар. 11700 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил олинди. Йиллик режани барвақт бажарган Ал-Бухорий, номли «Зарафшон», «Зарбдор», Мурод Жўрабоев, Д. Бобоқулов, Й. Охунбобоев номли жамоа хўжаликларида ҳосилдорлик 40 центнердан ошди.

Туман деҳқонлари даладаги ҳосилнинг сўнгги мисқолигача йиғиштириб олиш ҳисобига ялпи хирмонни 45 минг тоннага етказиш учун меҳнат қиляптилар.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Залворли одим

Мавсум бошидан пешқадамликни қўлдан бермаган Чиноз тумани пахтакорлари 22 иш кунида пахта тайёрлаш йиллик режасини Тошкент вилоятида биринчи бўлиб бажардилар. Давлатга 18 минг 100 тоннадан зиёд пахта хомашё етказиб берилди. Ҳосилнинг 92 фоизи эса биринчи навларга топширилди.

Ҳар бир инсон учун ўз меҳнати натижасини кўриш ва роҳатланишдан ортиқ бахт бўлмаса керак. Шундай экан эришилган ғалабага туманда-ги Амир Темур номли, «Эшонобод», «Гулзоробод», «Ўзбекистон», Собир Раҳимов, Охунбобоев номли, «Чиноз», «Йўлтушган» жамоа хўжаликлари пахтакорлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Ҳосилдорлик ҳар гектаридан 30 центнердан ташкил этди. Далаларда эса ҳали ҳосил чўғи мўл. Чинозликлар яна мустақил ватанимиз хирмонларига 3 минг тонна хомашё йиғиб топширишга аҳд қилдилар.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Қирғизистон жанубидаги вазиятга доир

Қирғизистон қуролли кучларининг бўлинмалари Хўжа Очкан довонидаги айни номдаги қишлоқни ўз назорати остига олди. Август ойи охирларида қонунга хилоф равишда республика ҳудудига бостириб кирган жангариларнинг асосий қароргоҳи шу ерда жойлашган эди. Айни пайтда махсус бўлинмалар тоғларда яшириниб ётган террорчиларни топиш ва йўқ қилиш мақсадида, эгалланган ҳудудларни тозалаш ва миналарни излаб топиб, зарарсизлантиришга киришган.

Маълумотларга кўра, Қирғизистоннинг Ўш вилояти жанубида ҳамон 100дан 150 нафаргача террорчи яшириниб ётибди. Қирғиз ҳарбийлари жангарилар қуршовга олингани, уларнинг ҳаракат йўналишлари тўсиб қўйилгани, тоғли ҳудудлар текширилаётгани ва бошқа тадбирлар ўтказилаётгани ҳақида бир неча бор баёнот берди. Лекин, шунга қарамай, жангарилар ҳамон бир ҳудуддан иккинчисига бемалол ўтиб-қайтиб юрибди, довонлар орқали мунтазам равишда Тожикистон шимолига қатнаяпти. Бу шундан далолат берадики, мустақил давлат ҳудудида икки ойдан ортиқ вақт мобайнида халқаро террорчилар тўдалари билган ишини қилиб юрганига қарамай, Қирғизистоннинг тегишли ташкилотлари ёлланма босқинчиларни йўқ қилиш бўйича ҳарбий жиҳатдан бирор қатъий чора кўрмаган.

Қирғизистон Президенти Асқар Акаев республика парламентининг Ўш вилоятидаги Боткен туманига вилоят мақоми бериш масаласига бағишланган навбатдан ташқари сессиясида сўзга чиқиб, босқинчи тўдалар ҳар қандай вақтда Тожикистондан Қирғизистоннинг жанубий ҳудудларига бостириб кириши мумкинлигини айтди.

Қирғизистон ахборот маҳкамаларининг хабар беришича, Қирғизистоннинг республика жанубидаги Бирлашган қўшинлари қўмондонлиги Тожикистон билан чегарадош Лайлак, Боткен, Қадамжой ва Чўн Олой туманларида чегара назорати зоналари ва чегара чизиғи тузишга қарор қилган.

Шу муносабат билан, кузатувчиларнинг билдиришича, Қирғизистоннинг тегишли ташкилотлари, биринчи навбатда, қатъий чоралар кўриши, аниқроғи, қирғиз халқининг шаъни ва ғурурини поймол қилган босқинчи тўдаларни қуршаб олиши ва йўқ қилиши керак. Соғлом фикр ва мантиқ шуни тақозо этади, лекин таассуфки, бу ҳақиқатни ҳали ҳамма ҳам англагани йўқ.

Ғ. ЖАМОЛОВ
(ЎзА)

Дипломатик муносабатлар ўрнатилди

Москвада Ўзбекистон Республикаси ва Шри-Ланка Демократик Социалистик Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги қўшма коммюнике имзоланди.

Коммюникени Ўзбекистон томонидан Ўзбекистоннинг Россиядаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ш.Шоисломов ва Шри-Ланка Республикасининг Россиядаги элчиси Н. Сиккандера имзоладилар.

«Жаҳон» АА

Покистонда ҳарбий тўнтариш

Би-Би-Си хабарига кўра Покистон штаб бошлиқлари бирлашган қўмитаси раиси генерал Парвез Мушарраф эълон қилдики, у мамлакатдаги ҳокимиятни ўз қўлига олганмиш. Унинг сўзларига кўра бу фуқаролар ҳукумати томонидан барқарорликни издан чиқаришнинг олдини олиш учун кўрилган сўнгги чорадир.

Генерал Мушарраф шу йилнинг июль ойида Покистонпараст кучларнинг Кашмирнинг Ҳиндистонга қарашли қисмидан олиб чиқиб кетилиши муносабати билан армия билан ҳукумат ўртасида юз берган кескин вазият туфайли бош вазирнинг буйруғига биноан, истеъфога чиқарилган эди. Ҳозирча генерал бундан буён нима қилиши мумкинлиги номаълум. Бош вазир Навоз Шариф ҳозир ҳибсда сақланмоқда. Шунингдек, Покистон миллий разведка хизмати раҳбари генерал-лейтенант Зиёвуддин Батт ҳам қамоққа олинган. Навоз Шариф уни яқинда ўз вазифасидан озод этилган Мушарраф ўрнига тайинлаган эди. Навоз Шарифнинг акаси, Панжоб вилоятининг раҳбари Шаҳбоз Шариф ҳам ҳибсда.

Айни пайтда Покистоннинг энг йирик шаҳарларига ҳарбийлар кириб келишди. Покистон армияси мамлакатдаги барча муҳим объектлар устидан назоратни ўз қўлига олди. Шундан сўнг мамлакат ҳукуматини ҳам тўлиқ таркибда истеъфога чиқарди.

Америка Қўшма Штатлари ва Ҳиндистон Покистондаги воқеалар муносабати билан чуқур ташвишга тушганликларини билдиришди. Ҳиндистон армияси эса юксак тайёргарлик даражасига келди.

Исён генерал Мушарраф бош вазир Навоз Шариф томонидан ўз вазифасидан бўшатилиб, ўрнига разведка хизмати бошлиғи генерал Зиёвуддин Батт тайинлангандан сўнг қисқа фурсатда бошланган.

Ҳозирча қуролли кучларнинг айнан қайси қисмлари ушбу воқеаларга аралашганлиги номаълум. Сайловчилар Покистоннинг демократик ҳукуматини қўллаб-қувватламоқдалар. Муҳолифатчи партиялар ҳам ҳарбийлар томонига ўтмасликларини билдиришди.

Покистоннинг собиқ бош вазири Беназир Бухутто Би-Би-Сига берган суҳбатида айтдики, бундай вазиятнинг юз беришига армияни сиёсийлаштириш йўлидан борган Навоз Шарифнинг ўзи айбдор. Бухуттонинг фикрича, армиянинг бош вазирга садоқатли айрим доираларигина ўз қўмондонлигига қаршилик кўрсатиши мумкин. Бундан фуқаролар уруши келиб чиқиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Ҳарбий тўнтаришга қарамай, Покистонда вазият ҳозирча барқарор турибди. Аҳолининг оммавий чиқишлари кузатилмаяпти.

(Би-Би-Си)

«Обуна — 2000»

«Ўзбекистон овози» — ўзбек, Ўзбекистон халқининг овози!
«Ўзбекистон овози» дунёнинг кўплаб мамлакатларига тарқалади ва айни пайтда дунё мамлакатларидан хабарлар тарқатади Ўзбекистонга!
Ер шарида беш қитъа, олти миллиард аҳоли бор. Барчаси битта Заминда. Заминдошингиз оламларидан хабардор бўлишни истасангиз «Ўзбекистон овози»га обуна бўлинг!
«Ўзбекистон овози» — эртанинг газетаси!

Нашр индекси — 220.
Ва яна унутманг:
«Голос Узбекистана» — 121,
«Осиё бозори» — 174.

Тўйга тўй уланар ўзбек юртида

Паға-паға булутларни ёриб қўқда учади Бойчибор. Оёқларини кериб, қанот чиқариб учади. Ёлларини силкитиб, солланиб учади. Белида Алпомишини кўтариб учади Бойчибор. Ўзбекнинг осмони ана шундайда — улуғлар руҳини қучиб ётади. Арвоҳлар ардоқланган жойда файз-барака бўлади-да, ўзбеклар билади. Ўзбекни ювош деган бекор айтади, ўзбек доно халқ — оғир, босиқ, қиладиган ишини ўйлаб қилади. Алпомиш бобомиз тўйига чорлаб бадабанглаётган карнайлар дейсизми? Йўқ, юраклар ҳайқириғи. Юрагингда ҳайқириқ бўлса тоғни ҳам ларзага келтирадида.

Ўзбек тўй қилса тўйонасиз бормайди. Азалий одат. Мана пойтахтдаги «Меҳнат» нашриёти ҳам муаллифлар Малик Муродов ва Абдуолим Эргашевлар тайёрлаган «Алпомишнома» туркумига кирган Сурхондарё талқинини китоб қилиб нашр этишди. Ўзбек энди Алпомишу Мангуберди, Темурбеклар авлодида, мардлари кўп. Савобли ишга қўл урилганини кўриб қараб турармиди, «Ўзбекдонмаҳсулот» корпорацияси директори Олим Отаев, Шўрчи дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамияти раиси Омонполвон Бекназаровлар ҳомийлик қўлини чўзишди китобни чиқаришга.

Алпомиш — ўзбекнинг ғурури. Дунё ҳам тан бераяпти. ЮНЕСКО ҳам ўзининг 1999 йилдаги тадбирлар режасига киритди. Энди Бойчибор Алпомиш бобони олиб дунё осмонида учадиган бўлди. Достончилик туркий халқларнинг

ота мерос қадрияти. Ер юзида битта туркий қолса ҳам достон айтиб кўнглини чоғ қилади. Турмушини безайди. Ватанни қўриқлашга ботирларини чорлайди. Ватан муқаддаслигини кўнглига солади одамларнинг.

Юртим бағрингда Алпомишнинг борлиги муборак бўлсин! Бағрингда Алпомишлар кўпайсин юртим! Ўзбек айтадида: эркаги бор уй чироғли бўлади, деб.

Юсуф ЖЎРАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ДАСТУРИ

(Янги таҳрир)

Ўзбекистон ХДП III Қурултойида, 1999 йил 8 октябрда, қабул қилинган

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, барқарор бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият қуриш, мамлакатнинг ҳар бир фуқаросига муносиб турмуш шароитлари ва унинг фаровонлигини таъминлай оладиган сиёсатни олиб боришни ўз фаолиятининг бош вазифалари, деб ҳисоблайди.

Партия Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари доирасида ҳаракат қилиб, мамлакатимиз халқининг тарихан шаклланган демократик анъаналарига, миллий ва умуминсоний қадриятларга, ахлоқ ва инсонпарварлик тамойилларига, Ватанимиз ва жаҳон илғор фикрининг ютуқларига асосланиб, ўзини қўллаб-қувватловчи жамият аъзоларининг сиёсий иродасини амалга оширишга ҳаракат қилади, уларнинг, ижтимоий аҳволи, келиб чиқиши, миллати ва диний эътиқодидан қатъий назар, манфаатларини ифодалайди ҳамда ҳимоя қилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий фаолияти, шунингдек, жамият муштараклигини таъминлаш мақсадларига хизмат қилади. Партия шовинизм ва миллатчилик, диний экстремизм, терроризм, миллатлараро ва ижтимоий можароларни, улар қандай шаклларда намоён бўлмасин, қатъиян рад этади ҳамда қоралайди.

I. ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ДАСТУРИ — ИЛҒОР АНЪАНАЛАРНИНГ ДАВОМИЙЛИГИ ВА ТАРАҚҚИЁТ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Дастури, унинг биринчи Таъсис Қурултойида, қабул қилинганидан буён саккиз йил ўтди. Ушбу даврда партия, ўзининг жамиятдаги ўрнини англаб олиш, идрок этиш, фаол сиёсий ва таъсирчан кучга айланишдек, машаққатли йўлни босиб ўтди.

Партиянинг сайланма органлари ва ташкилотлари, Ўзбекистон ХДПнинг ташкилий шаклланиши бўйича, дастурий вазифаларни бажариш юзасидан, аниқ мақсадли ишларни амалга оширдилар. Бунинг натижасида, партиянинг аҳоли ўртасидаги таъсири кенгайди, у парламент хилидаги нуфузли сиёсий ташкилотга айланди. Партия ўзининг жўшқин ривожланишга қобилиятли эканлигини кўрсата олди. Унинг барча бўғинлари ижтимоий-сиёсий ҳаётда, кўппартиялилик, шароитидаги, парламентчилик фаолиятида иштирок этиш тажрибасига эга бўлдилар.

ЎзХДП мустақиллик тенгдошидир. Унинг сиёсий етукликка эришуви, мамлакатнинг мустақиллик йўлидан ривожланишини, Ватанимиз фуқароларининг осойишта, озод ва фаровон ҳаётини таъминловчи, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига таянган, эркин демократик жамиятни шакллантиришга асос солинган даврга тўғри келди.

Ўзбекистонда, қисқа вақт ичида, давлат ва жамиятни, иқтисо-

1

диёт ва сиёсатни, бутун ҳаётимизни янги тамойил ва устуворликлар асосида, ислоҳ қилиш юзасидан, салмоқли ишлар бажарилди. **Унинг натижасида қуйидаги, улкан тарихий аҳамиятга молик, ҳайратомуз ютуқларга эришилди:**

Мустақилликнинг эълон қилиниши туфайли, дунё харитасида, жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган, янги давлат — **Ўзбекистон Республикаси** — пайдо бўлди. Республика мустақилликка эришгандан сўнг, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш, мамлакат халқи манфаатлари ва унинг келажаги йўлида барча табиий, минерал-хомашё бойликларидан, ўзининг барча имкониятларидан эркин фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлди.

Мамлакатда собиқ Иттифоқ тузумининг, **мафкурабозлаштирилган, мустабид, маъмурий-буйруқбозлик тизими, негизлари барҳам топтирилди. Эркин бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган демократик давлатнинг конституциявий ва ҳуқуқий асослари яратилди.** Буларнинг заминида давлат ва жамиятни, иқтисодиётни, молия ва пул муомаласини, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларни ташкил қилиш ва бошқаришнинг янги тизими вужудга келтирилди.

Мамлакатнинг, жаҳон ҳамжамиятидаги ҳолати ва обрў-эътиборининг юксалиши манфаатларига хизмат қилувчи, **ташқи сиёсати ва ташқи иқтисодий алоқаларининг мустақил йўли** шакллантирилди. Мамлакат чегаралари дахлсизлиги ва суверенитетини ҳимоя қилишга қодир, янги **миллий армия** ташкил этилди. Давлатда, бутунлай янги асосларда, ундаги **ҳавфсизлик ва ижтимоий тартибни** таъминлай оладиган тизим яратилди.

Мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётида кўзга кўринарли, салмоқли ўзгаришлар юз берди. **Ўзбекистоннинг ёқилғи ва дон мустақиллигига** эришилди. Амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар **иқтисодий ўсиш суръатлари, макроиқтисодий барқарорликни** таъминламоқда. Иқтисодиёт ва жамиятда мулкий муносабатлар, айниқса, **хусусий мулк ва мулкдорнинг** ўрни ҳамда аҳамияти мустаҳкамланмоқда. Улкан **ишлаб чиқариш иншоотлари** қурилиши таъминланмоқда, шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси ўзгармоқда, улар обод ва ошуфта бўлмоқда, одамларнинг моддий ва ижтимоий ҳаётида ижобий ўзгаришлар юз бераётир.

Жамиятда **янги маънавий ва ахлоқий қадриятларнинг устуворлиги** таъминланмоқда. Халқ ҳаётида тарихий, миллий ва маънавий қадрият ва анъаналар қайта тикланмоқда, жамиятнинг маънавий ривожида диннинг ўрни ва аҳамияти таъминланмоқда. **Миллатни ҳурликка даъват этган, Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги учун курашда қаҳрамонлик кўрсатган қатағон қурбонлари — ватандошларимизнинг муқаддас хотирасини абадийлаштириш** йўлида амалга оширилаётган саъй ҳаракатларнинг аҳамияти беқиёсдир.

Ўтган даврнинг энг асосий натижаларидан бири **одамларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигининг ошиши,** уларнинг онги, руҳияти ва ҳаётга бўлган муносабатининг ўзгариши бўлди. Ўзбекистон халқи жамиятни ислоҳ қилиш жараёнининг фаол иштирокчисига айланди. **Унинг ўз кучига, мамлакат келажагига ишончи, бутун ҳаётимизнинг янгиланиши заруриятини тобора чуқур англаш даражаси** ортмоқда.

Мамлакатда қарор топган **барқарорлик, фуқаролар тинчлиги ва умуммиллий тотувлик** — амалга оширилаётган демократик ва иқтисодий ўзгаришларнинг табиий пойдевори ва зарурий шартидир. Кун сайин одамларда ушбу қадриятларнинг боқий аҳамиятини тушуниш ва уларни ҳар қандай террорчилик ҳамда жангарилик тажовузларидан сақланиш томон **интилиш майллари ортмоқда.**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топган пайтлардаёқ, ўз Дастурида, юқорида санаб ўтилган мақсадларга эришишни, ўзининг **бош сиёсий вазифалари** сифатида, белгилаган эди. Бутун ўтган давр мобайнида, партия, халқ манфаатларига мос келувчи, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни **кенг ижтимоий-сиёсий қўллаб-қувватлаш** ҳамда бунёдкорлик ўзгаришларида **фаол иштирок этиш** йўлидан борди.

Мамлакатда амалга оширилган ўзгаришларнинг ижобий натижаларида, энг аввало, ўз қўллари билан бугунги кунни ва ўз келажагини қураётган, миллионлаб ўзбекистонликларнинг иродаси, ақл-заковати, фидокорона меҳнати мужассамлашган.

Айни пайтда, партиянинг барча аъзолари, ташкилотлари ва сайланма органлари мамлакатда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг бевосита, амалий иштирокчиларидирлар. Партия мустақил Ўзбекистон Конституциясининг умумхалқ муҳокамаси ва қабул қилинишининг фаол иштирокчиси бўлди. Депутатлар, — ХДПнинг биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги фракцияси аъзолари, — ислоҳотлар сиёсатининг ҳуқуқий пойдеворини шакллантиришга сезиларли ҳисса қўшдилар.

Буларнинг барчаси бизга Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидаги шубҳасиз ютуқларида **Халқ демократик партиясининг,** — мамлакатнинг ярим миллиондан кўпроқ сиёсий фаол фуқароларининг, — **ҳиссаси** борлигидан қонуний фахрланиш ҳуқуқини беради.

Шундай қилиб, ўтган саккиз йил давомида Ўзбекистон Халқ демократик партияси **дастурий мақсадларининг энг асосийлари** амалга ошди. Мамлакат ҳаётида катта ўзгаришлар юз берди, халқимиз олдида **янги, XXI аср арафаси ва унинг биринчи йилларида** ечилиши лозим бўлган, вазифалар гавдаланди.

Айнан шулар боис, партия **ўз дастурий мўлжалларини янгилаш** заруратини сезди. Партиямиз **ўзининг янги таҳрирдаги Дастурида** жамиятга таклиф этаётган сиёсий қарашлар ва устуворликларнинг асосий тамойиллари — илғор, **анъаналарнинг давомийлиги ва тараққиёт истиқболларидир.**

Яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва ўзаро ёрдам каби

2

халқимизнинг асрий анъаналари жамият муштараклигининг муҳим негизий асосларидир. Ижтимоий давомийлик, ақли расолик ва ҳаётий тажриба, миллий маданият ҳамда маънавий меросимиз тимсоли — кексаларга ҳурмат халқимизга хос фазилатлардир.

Тарихнинг абадий мулкига айланган яқин ўтмишдаги, ўнлаб йиллар давомида, халқни ўз аждодларининг ижтимоий ва маданий меросидан воз кечиш, унинг ўз миллий илдизларидан махрум қилиш, одамлар онгига хаёлий ғояларни сингдириш йўлида амалга оширилган зўравонликлар авлодлар ўртасидаги ворисийлик алоқаларини уза олмади. Қадимий ўлкамиз халқлари ўзларининг машаққат билан эришган муқаддас ғоялари — **эзгулик, тенглик, инсон эркинлиги, жамиятнинг адолатли тузилиши тўғрисидаги орзуларни** асрлар давомида ардоқлаб келдилар. Тарихнинг ўзи ушбу **анъана** ва интилишларнинг ҳаётийлигини исботлади.

Ватанпарварлик, туғилиб ўсган юрти ва қадрдон уйига муҳаббат, бардошлилик ва фидойилик, ижодкорлик қобилияти, меҳр-шафқат ҳамда раҳмдиллик, бошқа халқлар ва маданиятлар учун очиқлик хислатлари ватандошларимизга хос **анъаналардир.** Фақат улар асосида мамлакат иқтисодиётининг ривожи ва унинг фуқаролари фаровонлигини таъминлаш мумкин.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз сиёсатида **энг яхши демократик анъаналарга, халқнинг тарихий тажрибасига, умуминсоний қадриятларга** ва тарих синовидан ўтган ҳамда аҳолининг кенг қатламлари томонидан маъқулланган барча удумларга бундан кейин ҳам таяниш ниятида. Сиёсатимиз негизий тамойилларининг ўзгармаслигини, биз, уни қўллаб-қувватловчи жамият аъзоларининг сиёсий иродасини ифодаловчиси сифатидаги, **партиямизнинг барқарорлиги ва ишончлилигининг** бош далили, деб биламиз.

Айни пайтда, **анъаналарга содиқлик асло ривожланишдан тўхташни,** ўтмишга нисбатан истиқбол зарари эвазига, кўр-кўрона мадҳиябозлик қилишни англатмайди. Халқнинг анъаналари ва тарихий мероси, унинг асрлар давомида жамланган маънавий салоҳияти, бу — **бизга замондош башарият цивилизациясининг умумий тараққиёти** оқимида олдинга қараб ҳаракат қилиш учун замин, пойдевордир. Халқнинг асрий ақл-заковати, унинг танланган йўлимизнинг тўғрилигига ишончи, мустақиллик шарофати билан қайтариб олинган озодлигимизнинг бебаҳо неъмат эканлигини тушуниб етиш — Ватанимизни, сохта инқилобий сакрашларсиз ва ижтимоий ларзаларсиз, **тинч ва босқичма-босқич** ривожланишининг жиддий кафолатидир.

II. СИЁСАТИМИЗНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси, бугун, мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, унда, барқарор бозор иқтисодиётига асос-

3

мафкуравий руҳдаги аралашишларнинг бартараф этилиши;

— мулк ва меҳнатнинг барча шакллари учун амалда тенглик, мулкдорлар синфига муносиб ўрин яратилган, демократик жамиятнинг асосий барқарорлаштирувчи таянчи ҳисобланувчи ўрта синфнинг шаклланганлиги;

— меҳнатга қобилиятли ҳар бир одамнинг маълумоти ва касбий тайёргарлиги даражасига мос, муносиб равишда ва ўз вақтида ҳақ тўланадиган иш билан шуғулланиши учун шароитлар яратилиши;

— ижроия ҳокимияти ва бошқарув идоралари томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари — нафақадорлар, ногиронлар, кўп болали оилалар, қаровчиси йўқ қарияларни мақсадли ижтимоий ҳимоялаш сиёсатини қатъият ва ғайрат билан ўтказилиши;

— давлат ҳокимиятининг марказий ва маҳаллий идоралари, қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятлари ва давлат ҳокимияти ҳамда аҳолининг ўз-ўзини бошқариш органлари ўртасидаги вазифаларнинг оқилона тақсимланиши орқали фуқароларнинг ўз истиқомат жойларидаги бошқарувда, зарур ҳаётий муаммоларини ҳал этишдаги иштироки;

— миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида сўз ва виждон эркинлиги, фикрлар, дунёқараш ва сиёсий нуқтаи назарлар хилма-хиллигининг қатъий кафолатланиши ва амалда мавжуд бўлиши;

— яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат, ва меҳр-шафқат каби шарқона дунёқараш, миллий анъаналарга мос ҳамда ахлоқ ва инсонпарварлик умуминсоний тамойиллари талабларига жавоб берадиган, ижтимоий хулқ-атвор ва одоб меъёрларининг мустаҳкам қарор топиши;

— шахснинг маънавий янгиланиши ва шаклланишига эришиш мақсадида, халқ таълими, фан ва маданиятнинг ривожланиши учун барча зарур шароитларнинг яратилиши;

— Ўзбекистонда яшовчи барча миллатлар вакилларининг тили, маданияти, дини, урф-одат ва анъаналарини ҳурмат қилиш ва уларнинг эркин ривожланиш сиёсатини изчил амалга оширилиши;

— маънавият ва фуқаролик масъулияти асосида жамиятнинг иқтисодий фаол ва илғор қисмини, улар томонидан мамлакатда ижтимоий барқарорлик, фуқаролар тотувлиги ва тинчлик, умуммиллий иноқликни онгли равишда қўллаб-қувватлашга ундовчи, ижтимоий бирдамлиги учун амалда шарт-шароитларнинг яратилиши;

— давлат томонидан бошқа мамлакатлар, халқлар ва халқаро ташкилотлар билан тенг, яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойилларига изчил риоя қилиниши;

— давлат тинчликсевар ташқи сиёсатининг, мамлакатни ташқи душманлар, халқаро терроризм ва экстремизмдан ишончли ҳимоя қилиш билан бир қаторда, ҳар бир инсонни унинг ҳаёти, соғлиги, эркинлиги, шаъни ва мулкини ҳимоя қилишга қаратилганлиги **таъминланган бўлади.**

Партия фақат шундай жамиятда, шундай мамлакатда ҳар бир инсон ўзини эркин, бахтли, ўзидан кейин яхши ном, муносиб из қолдиришини ҳис қилади, деб ҳисоблайди.

Партия мамлакатда шундай жамиятни қуриш зарурлиги ва мумкинлигига қатъий ишонади ва Ўзбекистоннинг барча фуқароларини мазкур йўналишдаги интилишининг воқеликка айланишида фаол иштирок этишга чақиради.

Ушбу умуммиллий мақсадга алоҳида, ҳатто, энг буюк шахснинг, алоҳида бир ташкилотнинг ҳаракатлари билан эмас, балки, ўз зиммасига юклатилган тарихий масъулиятни тўлиқ тушунган, бутун халқнинг саъй-ҳаракатлари билангина эришилади. Ватанимизнинг буюк келажагини яқинлаштиришнинг ягона кафолатли йўли — ўзини Ўзбекистонинг ҳақиқий ватанпарвариман, деб ҳисобловчи, ушбу умуммиллий иш учун онгли ва самарали меҳнат қилувчи, ҳар бир фуқаронинг унга муносиб ҳисса қўшишидир.

2.2 Партиямиз нималарга эришмоқчи ва нималарни қўллаб-қувватлайди?

Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ўзининг сиёсий интилишлари ва уни қўллаб-қувватловчи жамият аъзоларининг, давлат ҳокимияти идоралари ва давлат сиёсатини шакллантиришга оид, сиёсий иродасини амалга ошириш мақсадида, сайловларда қатнашади, уларда ўз номзодларини кўрсатиб, қонунда белгиланган воситалар орқали, кўпчилик сайловчиларнинг қўллаб-қувватлашига эришишга ҳаракат қилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз сиёсатини ташкиллашган тарзда ўтказиш учун партиядан сайланган депутатлардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида ХДП фракцияси ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида партия гуруҳларини тузади. Партия, ўзининг фракцияси ва партия гуруҳлари орқали, мамлакат парламенти ва барча даражадаги давлат ҳокимияти вакиллик идораларида давлат сиёсати ва давлат ҳокимиятининг амалий фаолияти **қуйидаги устувор сиёсий омилларга** асосланишига эришишни мўлжаллайди:

— **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мустаҳкамлаш,** мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборини ошириш;

— **мамлакатнинг ички ва ташқи хавфсизлигини мустаҳкамлаш,** ўтказилаётган ислоҳотларнинг табиий асоси ва зарурий шарти **жамиятда барқарорлик, тинчлик, умуммиллий ва фуқаролар тотувлигини таъминлаш;**

— **экологик хавфсизликни таъминлаш,** она-ер, табиат, ҳаво, сув, бутун мамлакатнинг «яшил либоси» хусусида ғамхўрлик қилиш;

— **ижтимоий ўзгаришлар ва ислоҳотларнинг инсонпарварлиги,** давлат ва жамият бутун ҳаётий фаолиятларининг мутлақ қадриятлари Инсон ва Халқ бўлган мамлакатнинг тарихий анъаналари ва миллий манфаатларига мос равишда ижтимоий онгнинг жаҳон тажрибасига очиқлиги, умум эътироф этилган инсон ҳуқуқла-

4

ри ва эркинликларининг устуворлигини таъминлаш, уларни ҳаётда рўёбга чиқаришнинг кучли мурватларини яратиш, аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларини давлат ва жамият томонидан ижтимоий ҳимоясини кучайтириш;

— маънавият, маданият, миллий тарихий анъаналар ва маҳалланинг аҳоли муштараклигини таъминлашдаги ўрни бутун кўп миллатли Ўзбекистон халқига, ватанпарварлик ва бунёдкорлик учун, қулай шарт-шароитлар туғдирадиган **турмуш тарзини яратиш;**

— **сиёсий соҳани эркинлаштириш,** фуқароларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини ошириш, уларнинг фаол сиёсий қарашларини тарбиялаш, фикрлар ва ғояларнинг соғлом рақобати учун зарур ҳуқуқий асосларни яратиш, жамиятда манфаатлар мутаносиблиги, уларни жиловлаб туриш ва қарама-қаршиликларининг кучли мувозанати мурватларини шакллантириш, «Давлатнинг зўравонлигидан — кучли фуқаролик жамиятига» тамойилини изчил амалга ошириш, давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари ва ўз-ўзини бошқариш органлари, нодавлат жамоат тузилмаларининг вазифалари доираси, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш;

— **дунёвий давлат тамойилларига қатъий амал қилиш,** ахлоқий ва миллий қадриятлар, дунёқараш, халқнинг тарихий маънавий меросининг таркибий қисми бўлган дин билан ёвуз мақсадли, фуқароларни итоатсизликка ундовчи ва амалдаги конституциявий тузумни, куч ишлатиш йўли орқали, ўзгартиришга интилувчи, **сиёсийлашган жангари соҳта диний оқимлар** ўртасидаги фарқни аниқ белгилаб олиш, **диний экстремизм кўринишларига қатъий зарба бериш;**

— **жамият ҳаётининг барча жабҳаларида қонунларга сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш,** давлат ҳокимияти ва бошқарув тизими ваколатларга эга мансабдор шахслар, барча даражадаги давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари аппаратлари ходимларининг, хизмат вазифалари ҳамда конституциявий бурчини виждонан ва бенуқсон бажаришлари учун, масъулиятини ошириш;

— Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги, мамлакат Конституцияси, халқнинг манфаатларини ҳимоялаш, Ўзбекистоннинг буюк келажаги йўлида бунёдкорона меҳнат қилиш, ерга муҳаббат, Ватанимиз тарихи ва маданиятини чуқур ҳурмат қилиш ғояларига содиқликни ўзида мужассамлаштирувчи — **ватанпарварлик туйғусини, ижтимоий онг ва фаолиятнинг энг дастлабки устувор қадрияти сифатида, фуқароларда тарбиялаш;**

— **иқтисодий соҳани эркинлаштириш,** уни бошқаришда давлатнинг аралашувини чеклаш, хўжалик субъектларининг иқтисодий эркинликлари ва иқтисодиётнинг барча жабҳаларида хусусий мулкнинг кўламини кенгайтириш, мулкдорларнинг ўрни ва ҳуқуқларини таъминлаш, **корхоналарга солиқ солиш тизимини, хўжалик фаолиятини рағбатлантиришнинг барқарорлик, очиқлик, оқиллик ҳамда яратувчанлик тамойиллари асосида, яна-**

5

садларига мос келувчи, фаолиятини ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

2.3. Биз нималарга қарши курашамиз, сиёсат ва жамият ҳаётида нималарни маъқул эмас, деб ҳисоблаймиз?

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўзининг сиёсий интилишлари ва фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаб олиб, жамиятга мамлакат олдида турган вазифаларнинг бажарилиши йўлларини таклиф этар экан, **кўйилган мақсадларга эришиш учун барча усуллар ҳам маъқул, деб ҳисобламайди.**

ХДП нимага қарши чиқаётир, у нималардан норози, мустақил Ватанимиз интилаётган муқаддас ва юксак мақсадларга эришиш учун нималар яроқсиз эканлигини жамиятга очиқ айтиш зарур, деб ҳисоблайди?

— **Биз давлат — кучли, ҳокимият — таъсирчан бўлиши керак, дер эканмиз,** айни пайтда, бошқарув ваколатига эга раҳбарлар фаолиятидаги бошбошдоқлик, зўравонлик ва идорачиликни суиистеъмол қилишнинг ҳар қандай шаклларига қарши курашамиз, ўзларининг республика халқи олдидаги конституциявий бурчига беписанд қарайдиган, ислоҳотлар сиёсатига доғ туширадиган мансабдор шахслар фаолиятидаги **порахўрлик, тўрачилик ва коррупцияга қарши** қатъий ва беаёв кураш олиб борилиши керак, деб ҳисоблаймиз.

— **Сиёсий ҳаётни эркинлаштириш, демократик ўзгаришларни илдамлаштириш борасида ҳаракат қилар эканмиз, жамиятда қонун ҳукмронлигидан бошқа ҳеч қандай бошқа ҳукмронликнинг ўрнатилишини тан олмаймиз.** Қонунлар устуворлиги нафақат аҳолининг ҳуқуқий билимларини оширишни ташкил қилиш билан, балки, суд ҳокимияти ва ҳуқуқ-тартибот идораларининг самарали фаолияти билан ҳам мустаҳкамланиши керак. Биз, ҳокимият ижроия идоралари томонидан, қонунлар таъсирини торайтирадиган ва чегаралайдиган йўриқномалар ва бошқа қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши амалиётига қатъиян қаршимиз. Меъёрий ҳужжатлар, ижроия ҳокимияти ваколатларига, Конституцияда кўзда тутилган масалалар бўйича, қонуннинг тегишли бандларига кенгайтирилган изоҳ бериш талаб қилинган ҳолатдагина, қабул қилиниши керак.

— **Партиямиз — бюджет тўловлари интизомни мустаҳкамлашнинг изчил тарафдоридир.** Шу билан бирга, биз **солиқлар миқдорининг асоссиз оширилишига қаршимиз.** Солиқлар миқдорлари оширилиши ва солиқларни тўлаш муддатларининг қисқартирилиши, бюджет тушумларининг кўпайишига эмас, балки, иқтисодиётнинг хуфёна шўъбасининг фаоллашувига олиб келиши мум-

6

кин. Юридик шахслардан олинадиган **солиқларнинг энг катта миқдорлари ҳажми** қонун билан белгилаб қўйилиши, **янги солиқларни жорий қилиш ва уларнинг амалдагилари ҳажмини ошириш фақат қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ваколатига киритилиши керак.**

— **Биз давлат умумтаълим мактаблари, шифохона ва поликлиникалар учун ажратилаётган бюджет маблағларининг,** электроэнергия, иссиқликни таъминлаш, иссиқ ва совуқ сув, канализация, қурилиш ашёлари учун ва бошқа харажатларнинг ўсиши натижасида, билвосита қисқартирилишига, уларнинг **талаб қилинаётганидан кам бўлишига йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблаймиз.** Натижада, ушбу ҳолатлар **амалдаги қонунчиликда бепул хизматлар тоифасига киритилган ижтимоий соҳа муассасаларини аҳолининг пул маблағларини асоссиз жалб қилишга, демакки, уларнинг пуллик бўлишга олиб келмоқда.**

— **Ўзбекистон ХДП бозор муносабатлари шароитида ишлаб чиқарилган товарлар ва кўрсатилган хизмат учун эркин нарх белгилаш сиёсатини товар ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчиларнинг дахлсиз ҳуқуқи эканлигини тан олади.** Шу билан бирга, **биз маҳаллий ҳокимият идоралари амалда рағбатлантираётган,** ишлаб чиқарувчи монополистлар томонидан, аҳолининг бевосита ҳаётий таъминоти жабҳаларига кирувчи, сув-,иссиқлик-, газ таъминоти, хусусийлаштирилган турар жойлардан фойдаланиш ва бошқа коммунал хизматлар учун **тўловларнинг оширилишига қаршимиз.**

— **Партиямиз, «жамиятни ўзгартиришнинг илмий-назарий асослари» каби, ўнлаб йиллар давомида шахсни асоратга солиш ва инсон устидан зўравонлик қилишга хизмат қилган мустабидчилик мафкураси, хаёлий назарияларни қатъиян рад этади.** Мустақил Ўзбекистон **ҳеч қачон, халқнинг иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзига ёт, мавҳум ғоялар негизида, ижтимоий синовлар ўтказиш учун, «тажриба майдони» бўлмаслиги,** ўзининг тарихий ва маданий анъаналари асосида, муштарак башарият цивилизацияси умумий тараққиёти ўзанларида ривожланиши зарур.

— **Партия халқнинг ўтмиши, унинг миллий тарихий ва маънавий анъаналарига,** сиёсий ақидалар ва ўткинчи манфаатларга яхши кўриниш учун, **нотўғри ёндошиб, уларни бузиб талқин қилинишини кескин қоралайди.** Бутун мураккаб, олис ва яқин тарихимиз, ортиқча бўёқларсиз ва бузилишларсиз, халқимиз ақли расолиги сарчашмаларини тўлдириши лозим. Бу жабҳада биз олимларнинг масъул ва шарафли вазифаларини, барча ҳалол одамлар учун самарали фаолият майдонини кўрамиз.

— **Ўзбекистон Халқ демократик партияси шовинизм ва мил-**

(Давоми 3-бетда)

(Давоми. Боши 2-бетда)

латчиликни, ҳар қандай кўринишдаги диний ва ғоявий экстремизм, халқаро терроризмни қоралайди ва қатъиян рад этади. Партия халқ ичида душманлик ва зўравонлик уруғларини сепиш, уни, динга мансублиги, миллати ёки сиёсий қарашларига қараб, бўлиб ташлаш каби ҳар қандай ҳаракатлар, давлат ва жамият томонидан, қатъий ва кескин зарбага учраши керак, деб ҳисоблайди.

— **Партия атеизм ва дин тўғрисидаги сохталаштирилган тасаввурларга жамият бошқа ҳеч қачон қайтмаслиги лозим, деб ҳисоблайди**. Жамият ҳар бир инсонга маънавий изланишлар учун имконият яратиши, унинг ўзини маънавий камолга етишига, ҳаётий йўналишларини онгли ва эркин танлаб олишига бўлган интилишларини рағбатлантириши лозим. Шу билан бирга, партия виждон эркинлиги тамойилларининг амалга ошиши тарафдори сифатида, **динни сиёсийлаштиришга** қатъиян қарши туради, **турли чет эл миссионерлари ва маҳаллий секантларнинг фаолиятини қонун йўли билан чегаралашга** эришиш зарурлигини, эътироф этади.

— **Ўзбекистон Халқ демократик партияси бундан кейин бирон-бир сиёсий партия давлатда ҳокимият ваколатларини бевосита ўз зиммасига олмаслиги керак, деб ҳисоблайди. Партия бирорта ижтимоий-сиёсий кучнинг танҳо ҳақиқат ва адолатга даъво қилишини, шунингдек, сиёсий можароларни душманлик ва «ёвузлик қиёфасини» шакллантириш йўли билан ечиш амалиётини қатъиян қоралайди.** Соғлом ва эркин сиёсий рақобат, қарашлар ва ғоялар кураши демократик сайловларнинг тинч майдонида, Олий Мажлис ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларидаги сиёсий кучларнинг турли фракциялари ва гуруҳларининг ўзаро мусобақалашуви шаклида ўтиши керак.

— **Ўзбекистон Халқ демократик партияси — ижобий сиёсий ҳаракатлар партиясидир.** У ўзининг бор куч-ғайратини мамлакатимиз халқларининг равнақи, она заминда тинчлик ва бахт-саодат ҳукмрон бўлиши йўлида сарфлашга интилади. Ушбу олийжаноб мақсадларга эришиш учун тўсқинлик қилаётган барча ҳолатларни рад этиб, партия ўзининг ушбу интилишларида барча яхши ниятли, Ўзбекистоннинг ҳақиқий ватанпарвар, жонажон Ватанимиз тараққиёти ва унинг гуллаб-яшнаши йўлида фидокорона меҳнат қилишга тайёр кишиларни ўзининг мустаҳкам таянчи деб, билади.

III. МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН КЎЗЛАЁТГАН МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШ УЧУН БИЗ НИМАЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

3.1. Демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш

Ўзбекистон Халқ демократик партияси сиёсатининг устувор йўналишларидан бири, чуқур тарихий тажриба ва замонавий конституциявий-ҳуқуқий асосга эга, **янги, мустақил ўзбек давлатчилигини мустаҳкамлашдир.** Партия фуқаро, шахс, инсон ҳуқуқларининг давлат ҳуқуқларига нисбатан муқаррар устуворлигини тан олиниши асосида, улар бир-бирларининг ҳуқуқларини ҳурмат қилишлари ва ўзаро масъулиятни англашларини таъминлаш йўлида ҳаракат қилади.

Партия кучли демократик давлатни қарор топтиришни энг муҳим вазифалардан бири, деб ҳисоблайди. Бундай давлатда демократия ва қонунийлик давлат ҳокимиятининг чинакам мустақил қонун чиқарувчи, ижроия ва суд тармоқларига, тегиши равишда, ҳокимликлар ва давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик идоралари ўртасида бўлиниши асосида таъминланади.

Партия, демократик йўл билан қабул қилинган, қонунлар ва қарорлар фуқароларнинг уларга нисбатан ҳурмати билан мустаҳкамланиши, марказда ва жойларда кучли давлат ҳокимияти ижроия идоралари томонидан ҳаётга татбиқ этилиши тарафдоридир. Бунда вазирликлар ва ҳокимликларнинг раҳбарлари ҳамда мансабдор шахслар фаолиятининг давлат ҳокимияти тегишли вакиллик идоралари томонидан назорат қилиниши, ижроия ҳокимияти ва бошқарув идоралари мансабдор шахсларининг вакиллик идоралари олдида ҳисоботдорлиги тамойили амалда таъминланиши керак.

Биз ҳар бир фуқаро ва давлатнинг манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни, умуман, барча учун тенг, мустақил, ҳамма эътироф этган ва ҳурмат қиладиган, одил суд таъминлаши керак, деб ҳисоблаймиз. Партия қонун бузилишлари, жиноятчилик ва уларни келтириб чиқарувчи шароитларни бартараф этиш йўлидаги курашда жамиятнинг барча соғлом кучларини бирлаштириш учун ҳаракат қилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси, **кучли марказлаштирилган ҳокимиятни мустаҳкамлаш билан бирга, давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик ва ижроия идораларининг мақоми, ҳуқуқ ва масъулиятини кенгайтириш,** давлат бошқарувининг бир қисм вазифаларини, аста-секин, фуқароларнинг **ўз-ўзини бошқариш органларига** оширишни фуқаролик жамиятини бунёд этишнинг бош йўли, деб ҳисоблайди.

Бизнинг фикримизча, мамлакатда демократиянинг қарор топиши **кўппартиялиликнинг янада такомиллаштирилиши**, халқ ва давлат ҳокимияти ўртасидаги муҳим боғловчи восита бўлиб хизмат қилувчи, **сиёсий партиялар аҳамиятининг оширилиши** билан узвий равишда олиб борилиши ҳамда улар ривожини рағбатлантириши керак. Расмий сиёсий ғоялар ва манфаатларнинг эркин рақобати, қарама-қаршиликлар ва тўқнашувларини муросаи-мадора, мувозанат доирасида тийиб туришнинг, ривожланган демократик давлатларда синалган посангиси, давлат ҳокимияти идоралари тизими фаолиятининг ички ҳаракатлантирувчи кучи — сиёсий партияларнинг ўрнини янада мустаҳкамлаш зарур.

Партия **сиёсий партияларнинг мавқеини** қонунчилик, жаҳонда қабул қилинган демократик меъёрлар, асосида, уларнинг намояндаларини давлат ҳокимиятининг вакиллик органларида, сайловлар орқали, эгаллаган ўринларига ва, тегишли равишда, давлат ҳокимияти ва давлат сиёсатини шакллантиришдаги таъсири даражасига қараб, **етакчи, ҳукмрон** (парламентда кўпчилик ўринни эгаллаган) **ва ижобий муҳолифат** (парламентда нисбатан кам ўринга эга бўлган) партияларга, **фарқланишини** таъминлаш йўлида, ҳаракат қилади.

Партия қонунларнинг ижроси, давлат идоралари ва мансабдор шахслар томонидан ўзларининг вазифаларини адо этишлари, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва уларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш устидан фаол жамоатчилик назоратини таъминловчи, «тўртинчи ҳокимият» сифатида эътироф этилган, **эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларининг** ҳар томонлама ривожисиз кучли фуқаролик жамиятини, тасаввур қилиш мумкин эмас, деб ҳисоблайди.

Партия давлатнинг муҳим вазифаларидан бири — демократик ислоҳотлар жараёнида аҳолининг фаол қисмини бирлаштирувчи ва одамларнинг турли хил ижтимоий, касбий, маданий ва бошқа манфаатларини ифодаловчи жамоат ташкилотлари тизимини кенгайтириш учун зарур шароитлар яратиш, деб билади.

Биз сиёсий ҳаётни эркинлаштиришнинг ушбу ва бошқа муҳим йўналишлари қуйидаги энг асосий вазифани бажариш учун зарур, деб ҳисоблаймиз: **таъсирчан ҳокимиятга эга бўлган кучли давлат, қонунларни онгли равишда бажарувчи ва, фуқаролик жамиятининг турли институтлари орқали, ижтимоий ва давлат ишларини бошқаришда бевосита иштирок этувчи, сиёсий ва ижтимоий фаол, фуқароларга таянишини таъминлаш.**

3.2. Халқ ва давлатнинг равнақига хизмат қилувчи иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш

Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, замонавий бозор муносабатлари асосида кўпукладли иқтисодиётни қарор топтириш ва ривожлантириш Ўзбекистон Халқ демократик партияси учун пировард мақсад эмас, балки, у мамлакат тараққиётининг муҳим масалалари: аҳолининг турмуш даражасини ошириш, халқ, ҳар бир оила ва ҳар бир одамнинг турли хил талаб ва эҳтиёжларини қондиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Партия иқтисодий сиёсат асосида «Фаровон оила — равнақ топган давлат», деган қоида бўлиши керак, деб ҳисоблайди.

Иқтисодиётни эркинлаштириш, ривожланган мамлакатларда умум эътироф қилинган, қуйидаги меъёрларга мос келувчи, **иқтисодий эркинлик даражасига** эришиш, иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналиши бўлиши керак:

— иқтисодиётни мафкуравий ақидаларга қарамликдан ва ижтимоий хом-хаёлликлардан халос қилиш;

— ишлаб чиқарувчини маъмурий-буйруқбозлик, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг хўжалик фаолиятига бевосита аралашишидан эркинлиги;

— хусусий ташаббускорлик, тадбиркорлик ва рақобат эркинлигини қарор топтириш;

— кичик ва ўрта бизнеснинг эркин ривожланиши, шу жумладан давлат томонидан корхоналарни тузиш, фаолиятини юритиш ва уларни тугатиш масалаларига ҳаддан ташқари аралашишлардан халос бўлиш, кредитлар ва молиявий ёрдам олиш ва улардан фойдаланиш эркинлиги;

— мулк ва меҳнатнинг барча шаклларининг ҳуқуқий ва иқтисодий тенглигини, мулкдорнинг ўзига тегишли бўлган ишлаб чиқариш воситалари, ишлаб чиқарган маҳсулоти, товарлари ва хизматлари, уларни сотишдан олган даромадларидан эркин фойдаланишини таъминлаш;

— товарлар ва капиталнинг мамлакат ичида эркин ҳаракати ҳамда ташқи иқтисодий фаолият эркинлиги, фақат мамлакат **ишлаб чиқарувчилари ва аҳоли манфаатларини ҳимояловчи** божхона қоидалари, яъни инсонлар ҳаёти ва соғлигига таҳдид солувчи (сифатсиз маҳсулотлар, гиёҳванд моддалар ва қуроллар) товарларни четдан келтирилишини чеклашлар, **мамлакатнинг стратегик манфаатларини** кўзлаб, қонунсиз равишда хомашё ресурслари, давлат монополияси ўрнатилган маҳсулотлар, миллий бойлигимиз ҳисобланган санъат асарлари ва тарихий-маданий бойликларни олиб чиқиб кетишдан муҳофаза қилиш, бундан мустасно;

— мамлакат иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг асосий кўрсаткичлари, йирик давлат, акциядорлик ва хусусий корпорациялари, компаниялар, корхона ва фирмалар фаолияти, давлат бюджетининг даромадлар ва ҳаражатлар қисмининг аҳволи тўғрисида мамлакатнинг ҳар бир фуқароси томонидан, ахборот воситаларида кенг ёритилиши орқали, тўғри ва ишончли статистик ахборотлар олиш ҳуқуқи.

Партия:

— кундалик эҳтиёж моллари ишлаб чиқаришни, замонавий технологиялар ва «ноу-хау»ни кенг жорий қилиш, чет эл инвестициялари ва кредитларини жалб этиш, хомашёни қайта ишлаб, юқори даражадаги маҳсулотлар тайёрловчи корхоналар ташкил қилиш бўйича, соҳаларнинг махсус мажмуаларини вужудга келтириш юзасидан, қатъий чоралар кўрилишини **кўзда тутувчи;**

— **молия-кредит тизимини** такомиллаштириш ва **қимматли қоғозлар бозорини** тўлақонли шакллантириш чораларини кўриш;

— минтақавий иқтисодиёт, ижтимоий инфратузилма ва хизматлар соҳасини мажмуавий ривожлантиришни **таъминловчи;**

— озиқ-овқат маҳсулотлари, зарур кундалик истеъмол моллари, дори-дармонларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, уй-жой қурилишини кенгайтиришга қаратилган, тадбиркорликни **рағбатлантирувчи;**

— минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини **тенглаштириш,** ишга қобилиятли аҳолининг **мумкин қадар иш билан бандлигини таъминлаш,** истеъмол бозорини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган **товарлар ва хизматлар билан тўлдириш, пулнинг қадрсизланишининг** ва у билан боғлиқ бўлган нохуш ҳолатларнинг олдини олишда бош омил бўлган, **мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш** мақсадига йўналтирилган, иқтисодиётнинг янада ривожланиши ва **таркибий қайта қурилишини** маъқуллайди.

Бунда асосий эътибор, илғор технология ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш бўйича, жаҳон тажрибасини мукаммал ўрганган, **малакали миллий кадрлар ва мутахассислар янги авлодини шакллантиришга оид,** зарур чораларни амалга оширишга қаратилиши керак.

Партия, иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотлар самарадорлигини янада оширишни иқтисодий сиёсатнинг муҳим вазифаси, деб ҳисоблайди. У:

— қишлоқда деҳқонни ернинг ҳақиқий хўжайинига, меҳнати билан етиштирган маҳсулотга эркин эгалик қилувчига, айлантирувчи янги мулкий муносабатларни шакллантириш;

— ширкат, жамоа, деҳқон фермер хўжаликларининг мустақиллигини кенгайтириш ва ўз фаолияти натижалари учун иқтисодий масъулиятини кучайтириш;

— қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга хизмат қилувчи, самарали молиявий ва ишлаб чиқариш, инфратузилмасини вужудга келтириш;

— давлатнинг, ерлар ҳосилдорлигини оширишга, деҳқончилик ва чорвачиликнинг самарадорлигини ошириш йўлида янги техника, технология ва замонавий чет эл тажрибасини қўллашни кенгайтиришга қаратилган, чора-тадбирлари;

— меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг бандлиги даражасини ошириш, янги иш жойларини ташкил қилиш, ушбу мақсадларда қишлоқда кичик ва ўрта бизнесни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналар, замонавий хизмат турларини ривожлантириш учун инвестиция ва кредит ресурсларини жалб қилиш асосида амалга оширилиши керак.

Партия она табиатга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, атроф-муҳитнинг экологик мувозанатини сақлаш тарафдоридир. Давлат даражасида иқтисодий рағбатлантирувчи ва таъминловчи самарали чоралар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши керак;

— табиий бойликлар, ер, сув, минерал ресурслардан оқилона фойдаланиш;

— зарарли ишлаб чиқариш корхоналарини соғломлаштириш, атроф-муҳитнинг аҳволи устидан доимий ва ошкора назорат ўрнатиш;

— саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларига экологик тоза технологияларни киритиш;

— ўрмонлар ва қўриқхоналарни ҳимоя қилиш, дарахтзорлар майдонларини кенгайтириш;

— халқаро молиявий институтлар ва жамғармалар иштирокида Оролбўйининг экологик, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларини босқичма-босқич ечиш.

Партия озод Ватанимизни келажак авлодларга гуллаб-яшнаган, гўзал, бой, инсон ҳаёти учун муносиб ҳолда қолдирилиши ҳақида ғамхўрлик қилишни ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг биринчи даражали бурчи, деб ҳисоблайди. Биз ҳар бир кишида ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини севиш ва уларга нисбатан олийҳиммат муносабатда, атроф-муҳитни муҳофаза қилишдан манфаатдор бўлиш ҳис-туйғуларини шакллантириш юзасидан миллий дастурларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишига эришиш ниятидамиз. Ўзбекистон ХДП атроф-муҳитни муҳофазалаш, минтақавий ва умумбашарий экологик муаммоларни ҳал қилишда тенг, ўзаро фойдали ва манфаатли халқаро ҳамкорликнинг изчил тарафдоридир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси **мамлакатнинг халқаро иқтисодий алоқаларини уйғунлаштиришга** кўмаклашувчи, зарур иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларни яратиш, хорижий шериклар билан тенг асосларда қўшма корхоналар, концессиялар ва эркин иқтисодий маконлар тузишни кўзда тутувчи, ўзаро фойдали, илмий-техникавий, савдо-иқтисодий ва маданий, ҳамкорликни ривожлантириш тарафдори. Биз Марказий Осиё давлатлари билан янада чуқур иқтисодий интеграцияни, МДҲ мамлакатлари билан ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришни республиканинг ҳаётий манфаатларига мос, деб ҳисоблаймиз.

3.3. Кучли ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишлари

Ушбу соҳада партия фаолиятининг бош мўлжали жаҳонда умум томонидан тан олинган, инсон ва унинг оиласининг соғлигини ҳамда фаровонлигини таъминлаш учун зарур, озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой, медицина хизмати ва бошқа зарур ижтимоий хизматларни ўз ичига олувчи, **ҳаёт даражасига оид инсон ҳуқуқларининг** амалда таъминлашидир. Партия, чуқур ўйланган солиқ сиёсати, имтиёзлар, мақсадли инвестициялар ва бошқа иқтисодий воситалар орқали, одамларнинг зарур даражада **ижтимоий ҳимояланишини** таъминлашни, шу йўл билан жамиятдаги **ижтимоий барқарорликнинг** ишончли пойдеворини яратишни давлатнинг асосий вазифаларидан бири, деб билади.

Партия, давлат ва жамиятнинг инсонийлиги ҳамда адолатлилиги, аҳолининг кам таъминланган қатламлари нафақадорлар, ногиронлар, кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ўқувчи ёшлар, қаровсиз қолган кекса кишилар ва болаларга — ушбу ижтимоий гуруҳларга нисбатан муносабатидан маълум бўлиши тўғрисидаги қатъий ту-

шунчадан келиб чиқиб, мақсадли ижтимоий ҳимоя янада ривожлантирилиши керак, деб ҳисоблайди. Пулнинг қадрсизланиши оқибатида, аҳоли мазкур ижтимоий гуруҳлар турмушининг пасайиши, пенсиялар, нафақалар, стипендияларни индексациялаш орқали, унинг асосида давлат томонидан ўрнатилган **иш ҳақи ва пенсияларнинг** энг кам миқдорининг, жаҳонда, инфляция даражалари баҳосининг ўлчови сифатида, тан олинган **минимал истеъмол савати** баҳосига **мос равишда,** қопланиши керак.

Партия **давлат ижтимоий сиёсатининг** асосий вазифаларини қуйидагиларда кўради:

— ижтимоий инфратузилманинг муҳим таркибий қисмини ташкил қилувчи халқ таълими, соғлиқни сақлаш соҳалари ва маданиятнинг моддий техникавий асосини янада мустаҳкамлаш;

— аҳолини ташиш транспорти, телефон алоқаси, уй-жой коммунал хизмат корхоналари ишининг самарадорлигини оширишни рағбатлантириш;

— аҳолининг кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари фойдалана оладиган, бевосита ҳаёт таъминоти соҳасига кирувчи, ижтимоий хизматларнинг сақланишини, ижтимоий хизматлар ҳақи фақатгина уларнинг миқдори, турларининг кенгайиши ва сифатининг ошиши натижасида кўтарилишини таъминловчи зарур иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларни яратиш;

— қишлоқ аҳолисининг меҳнат шароитлари ва турмушини яхшилаш, қишлоқларнинг ижтимоий қайта қурилишига, қишлоқ хонадонларини сифатли ичимлик суви билан таъминлашни ва газлаштиришни изчил яхшилашга қаратилган мақсадли инвестиция ва кредит сиёсатини амалга ошириш.

Партия аҳолининг **бандлиги муаммосини ечиш, қўшимча иш ўринларини яратиш ва ишсизликдан ҳимоя қилишга** алоҳида аҳамият беради. Партия меҳнатга лаёқатли ҳар бир инсонга, айниқса, ёшларга, уларнинг маълумоти ва мутахассислигига мос, муносиб ва ўз вақтида ҳақ тўланадиган иш билан таъминланишига кафолат берувчи миллий бандлик дастурининг тезроқ ишлаб чиқилиши ҳамда уни амалга оширилиши тарафдоридир.

Партия жамиятда **ижтимоий муштараклик** муносабатларини ривожлантириш, мулкнинг барча шаклларидаги **корхоналарни рағбатлантириш, жамиятнинг иқтисодий фаол ва мулкдорлар қатламини, жамоатчилик ва хайрия жамғармаларини, маҳалла ва бошқа ижтимоий институтларни** муҳим ижтимоий дастурларни амалга оширишда ва аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларини муҳофазалашда фаол иштирок этишларини рағбатлантирувчи иқтисодий ҳамда ҳуқуқий шароитларини яратишни ўз ижтимоий сиёсатининг муҳим йўналиши, деб ҳисоблайди.

3.4. Оналик ва болаликка — давлат ва жамиятнинг алоҳида ғамхўрлиги

Ўзбекистон Халқ демократик партияси, муҳим муаммолардан бири сифатида, **жамиятда аёлларнинг мавқеини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш сиёсати** давлат ва жамият томонидан аниқ мақсадли, изчиллик билан амалга ошириши керак, деб ҳисоблайди.

Партия жамиятда **аёлларнинг мавқеини оширишни** изчил таъминлаш учун курашади. Ушбу мақсадларда қуйидагиларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблаймиз:

— жамиятда аёлларнинг иш билан бандлиги, уларнинг касбий тайёргарлиги, меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилашни қонун билан белгиланган кафолатларининг аниқ тизимини вужудга келтириш;

— оғир ва зарарли ишларда хотин-қизлар меҳнатини кескин чегаралаш ва қисқартириш, бола тарбиялаётган аёлларга, тегишли иш ҳақи, пенсия тўлиқ таъминлаган ҳолда, қисқартирилган иш ҳафтасини жорий қилиш;

— аёлларнинг касб маҳоратини, ишчанлигини, сиёсий фаоллигини ривожлантириш масалаларини ечишда хотин-қизлар ташкилотларининг аҳамияти ва обрў-эътиборини ошириш, аёлларга, оилада оналик ва уй бекаси, бола тарбиялаш, ўсиб келаётган соғлом авлодни вояга етказиш каби муқаддас бурчларини адо этишлари билан бир вақтда, ижтимоий ҳаётда тўлақонли иштирок этишлари учун шарт-шароитлар яратиш.

Партия аёллар, оналар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий хизмат даражасини кескин ошириш, давлат томонидан, аҳолининг барча қатламлари учун фойдаланиш мумкин бўлган, оналар ва болалар даволаниш марказлари, ҳомиладор аёлларга тиббий ёрдам кўрсатиш ва патронаж хизматлари тизимини янада ривожлантирилишини қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ёш оилаларнинг оёққа туриши ва мустаҳкамланиши учун қулай шароитлар яратишга катта аҳамият беради. У ёш оилаларга имтиёзларни кенгайтириш, уларга хусусий мулк қилиб олиш учун турар-жой сотиб олинишида ёки якка тартибда уй қуришларида, турмуш шароитларини яхшилаб олишларида имтиёзли қарз ва ссудалар бериш тарафдоридир. Партия ташкилотлари хайрия акцияларини ўтказишда, болалар уйлари ва кўп болали оиларга ҳомийлик қилиш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш бўйича ижтимоий ташаббусларни ривожлантиришда бевосита фаол қатнашади.

3.5. Ёшлар — Ватан келажаги

Яқин ўтмиш таъсирида вужудга келган яроқсиз одатлар, нотўғри ақидалар билан заҳарланмаган, янги шароитларда ўсаётган ва тарбияланаётган ҳозирги ёш авлод олдида XXI асрда республикамиз тақдирини ўз қўлларига олиш ва уни тараққиёт ҳамда фаровонлик сари дадил олиб бориш вазифаси турибди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси, **ёшлар манфаатларини ҳимоялаш бўйича, давлат сиёсатини** ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ҳар бир ёш инсоннинг эркин ва баркамол шахс сифатида ижтимоий шаклланиши учун сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий, моддий техникавий шароитларни яратиш тарафдоридир. Партия ёшлар халқимизнинг инсонпарварлик ва ахлоқий анъаналарининг муносиб меросхўрлари бўлиши, жаҳон цивилизацияси ва маданиятининг энг яхши ютуқларини эгаллаб олишлари учун жамият барча вазифаларни бажариши керак деб, ҳисоблайди.

Партиянинг фикрича, давлатнинг, Ўзбекистонда **ёш авлоднинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётига фаол кўшилиши учун** шарт-шароитлар яратиш мақсадига йўналтирилган, ёшлар сиёсати негизида қуйидаги **устувор йўналишлар** бўлиши керак, деб ҳисоблайди:

— **ёшларнинг амалга оширилаётган сиёсий ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини аниқ тушуниб олишлари,** уларнинг ушбу ишда ўз ўрни ва иштирокини аниқлашлари учун шароитлар яратиш. Ўзбекистоннинг ёш фуқароларига Конституция ва қонунларни бажариш, ўзларининг конституциявий ҳуқуқ ва фуқаролик мажбуриятларини амалга ошириш кўникмаларини ҳосил қилишларида кўмаклашиш. Ёшларнинг сайлов тизимига бўлган қизиқишларининг ўсишига аниқ мақсадли давлат ва жамоат ёрдамини кўрсатиш.

— **ёшларнинг демократик асосда бирлашишлари имконини берадиган ҳуқуқий шарт-шароит ва кафолатларни яратиш,** ўсиб келаётган ёш авлодда фаол фуқаролик, ватанпарварлик туйғусини, ижтимоий ҳаётда онгли ва масъулият билан қатнашишларини шакллантиришга ёрдам берувчи ёшлар ва болалар ташкилотлари ҳамда ҳаракатларини ривожлантириш.

— **барча таълим ва тарбия муассасалари орқали, ёшларнинг ижтимоий идеаллари мужассамлашган,** Ўзбекистон давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш умуммиллий ғоясини рўёбга чиқаришга йўналтирилган, **қадриятлар тизимини шакллантириш.** Ўзбекистоннинг ҳар бир ёш фуқаросида ватанпарварлик, Ватан равнақи учун фидокорона меҳнат қилиш, ҳар қандай вазиятда унинг шаъни ва чегараларини ҳимоя қилиш учун тайёр туриш, Конституцияга, давлат рамзлари — Ўзбекистон Байроғи, Герби ва Мадҳиясини севиш ва ҳурмат қилиш туйғуларини тарбиялаш. Ёшларда мамлакат Қуролли Кучлари билан фахрланиш ҳиссини уйғотиш, ҳарбий хизматнинг нуфузини ошириш.

— Болалар оромгоҳлари, ўсмирлар ва ёшлар учун спорт тўгараклари, секция ва клублари, жисмоний тарбия ва даволаш-соғломлаштириш муассасалари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тизимини, давлат ва мулкчиликнинг барча шаклларидаги **корхоналар томонидан, қўллаб-қувватлашни ташкил қилиш.** Спортнинг оммавий турлари, жисмоний тарбиянинг миллий анъаналарини ривожлантириш мақсадида, ёшлар бирлашмалари ва жамоат ташкилотларнинг фаолиятини рағбатлантириш. Ҳарбий хизматга чақириқ ёшидаги ўсмирларни, **аниқ мақсадли жисмоний ва даволаниш-соғломлаштириш жиҳатдан, тайёрлаш.**

— **кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини изчил амалга ошириш.** Унинг асосида ва доирасида ҳар бир ёш инсоннинг, эркин ҳамда баркамол ривожланган шахс сифатида, ижтимоий шаклланиши учун сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий ва моддий-техникавий шароитлар яратиш, таълим олишнинг узлуксизлиги тамойилини изчил амалга ошириш, ёшларда ўз устида ишлаш ва касбий тайёргарлиги даражасини оширишга бўлган эҳтиёж ва интилишларини ҳар томонлама ривожлантириш. Барча ёшларнинг, уларнинг, миллати, ижтимоий келиб чиқиши, тили, динга муносабатидан қатъи назар, маълумот олишлари учун тенг имкониятлар яратилишини таъминлаш. Қобилиятли болаларни, ёшлигиданоқ, аниқлаш, улар учун махсус ўқув юртларини ташкил этиш, истеъдодли ёш олим ва талабаларни мамлакат ва чет элларнинг етакчи илмий-ўқув марказларига юбориш.

— **иқтисодий фаол ёшлар ҳисобидан мулкдорлар синфини шакллантиришга кўмаклашиш.** Ёшлар орасидан иқтисодий ислоҳотларни талаблар даражасида давом эттиришга қобилиятли, малакали мутахассислар ҳамда тадбиркорларни тайёрлашни ташкил қилиш. Иқтисодий эркинликка интилувчи, ўз кучини шахсий тадбиркорликда синаб кўришга ҳаракат қилувчи ёшларга, ишбилармонлик фаолиятини бошлашлари учун, тенг имкониятларни таъминлаш бўйича, кафолатлар тизимини яратиш. Ёш тадбиркорларга, ўз олдига бозор иқтисодиёти тараққиётининг истиқболдаги амалий ғояларини аниқлаш ва асослаш мақсадини қўйган иқтисодий клублар ва жамоат бирлашмаларининг бошқа шаклларида бирлашишларига ёрдам бериш. Умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг юқори синфларидан бошлаб, ёшларда замонавий иқтисодий фикрлашни шакллантириш.

— **ёшларда** шахснинг ўз қобилиятларини намоён қилиш, унинг баркамол ривожланишида катта аҳамиятга эга, халқ фаровонлиги ва жамиятнинг гуллаб-яшнашида ҳамда одамларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришда асосий манба бўлган, **ақл-заковат талаб қилинадиган, юксак малакали, самарали меҳнатга иштиёқ ўйғотишни шакллантириш.** Жамиятнинг юқори малакали ходимларга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, ёшларнинг касб-ҳунар танлаш тизимини изчиллик билан такомиллаштириш. Ҳар бир ёш инсонга касб-корини эркин танлаш, керакли касбий тайёргарликни олиши учун тенг имкониятлар, тегишли ўқув юртини тамомлаганидан кейин ишга жойлашишини кафолатлашни таъминлаш бўйича, қонунларда белгиланган, меъёрларнинг амалий таъсирини ошириш.

— **ёшларнинг, самарали меҳнат орқали, ўзини фаол иқтисодий ҳимоялаши учун зарур бўлган ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий шароитларни яратиш.** Ёшларга, меҳнатда ва тадбиркорликда ўзларини кўрсата олишлари, ўз меҳнати билан ўзининг ҳаётий эҳтиёжларини қондиришлари учун, етарли маблағ топишларига кенг имкониятлар яратиб бериш.

— ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган, фуқаролик масъулияти туйғуси ривожланган, мамлакатдаги демократик ва иқтисодий ислоҳотлар йўлига содиқ ёшларни аниқлаш, тарбиялашнинг умумдавлат тизимини яратиш. Уларнинг орасидан, лавозимларга кўтариш учун заҳиралар ташкил этиш, бўлғуси раҳбарларнинг шаклланишига, уларнинг касбий билимлари ва бошқариш кўникмаларини эгаллашларида ёрдам кўрсатиш.

— **ислоҳотларга қарши кучларнинг ёшларни тўғри йўлдан чалғитиш мақсадидаги ҳаракатларига фаол қаршилик кўрсатиш**. Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида тартиббузарликнинг олдини олиш тадбирлари тизимини такомиллаштириш, давлат, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва ташкилотларининг ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарбияни уюштириш, улар орасида жиноятчилик ва жамият учун зарарли хатти-ҳаракатларни камайтириш ва олдини олиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакат ёш авлоди жамиятимиз тараққиётининг янги босқичида муносиб меросхўр ва халқнинг энг яхши анъаналарининг давомчиси бўлишига ишонч билдиради. Партия **давлат ва барча ижтимоий институтлар** — оила, маҳалла, ўқув юртлари, оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотларининг ҳаракатларини, ушбу олийжаноб мақсадга эришиш йўлида, бирлаштиришга чақиради.

3.6. Жамиятнинг маънавий янгиланиши йўлида

Ўзбекистон Халқ демократик партияси XXI аср бўсағасида мамлакат олдида турган кенг кўламли иқтисодий ва сиёсий вазифаларни амалга ошириш, замон талабларига тўлиқ ҳамоҳанг бўлишга фақатгина жамиятнинг **маънавий янгиланишини таъминлаш, маънавиятни** ривожлантириш, одамлар онгида ахлоқий ва маънавий қадриятларни, эзгулик ва адолат, ҳалоллик ва тўғрилик ҳақидаги умуминсоний тасаввурларни мустаҳкамлаш орқали эришиш мумкин, деб ҳисоблайди.

Сиёсат, ижтимоий ва шахслараро муносабатларнинг бутун тизими, бизнинг эътиқодимизга кўра, **чуқур ахлоқий** бўлиши, уларнинг асосида ҳар бир кишига тушунарли бўлган, инсонийлик, оила ва халқ фаровонлиги, Ватанга, қадрдон уйи, она заминига муҳаббат, кишиларнинг эркинлиги ва тенглиги, ижтимоий адолат ҳақидаги, тушунчалар ётмоғи керак.

Партия жамиятни Ўзбекистон халқларининг **маънавий манбааларини** чуқур билиш, миллий, тарихий ва маданий анъаналарнинг изчил тикланиши, буюк аждодларимиз қолдирган улкан маънавий мерос асосида, барча инсонлар маънавиятини бойитиш, ўзбек миллий маданияти ва халқ ижодиётининг ўзига хослигини уйғотиш, уларнинг умуминсоний маданий мерос билан уйғунлигини таъминлашга чақиради.

Ўзбекисон ХДП ўз ҳуқуқларини яхши биладиган, шахсий куч ва қобилиятларига таянадиган, атрофида юз бераётган ўзгаришларга ўзининг шахсий қарашига эга бўлган ва шахсий манфаатларини мамлакат, халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда, идроқ этадиган, **эркин, баркамол шахсларни тарбиялашни** ўз олдига мақсад қилиб олган, маънавий-маърифий ишларнинг салмоқли тизимини яратиш бўйича, умуммиллий вазифанинг ҳал этилишида фаол қатнашиш ниятидадир. Биз жамият ҳар бир аъзосининг ўзини, ўзининг жамиятдаги ўрнини чуқур англашга интиладиган, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий онги даражасини оширишга ҳаракат қиладиган шахс бўлиб шаклланишига ҳар томонлама кўмаклашамиз.

Партия ўзбекларнинг она замини бу ерда яшовчи барча одамлар учун, уларнинг миллатидан қатъи назар, меҳрибон ва қадрдон уй бўлиб қолиши йўлида ҳаракат қилади. Республ

(Давоми. Боши 2-3-бетларда)

рида демократик ўзгаришларнинг давом эттирилиши, уларда, журналистларнинг нашр этиладиган мақолалари, тайёрланадиган кўрсатув ва эшиттиришларининг ҳаққонийлиги учун масъулияти оширилган ҳолда, турли фикрлар ва қарашларнинг эркин ёритилиши йўлида ҳаракат қиламиз.

Партиямиз жамиятда, **тарбиячи ва устозларни ҳурмат қилиш ва эъзозлаш** бўйича, асрий анъаналарнинг тўла тикланиши, мактабгача тарбия муассасалари тарбиячилари, мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари муаллимлари, университет ва институт профессор ўқитувчиларининг ижтимоий мақоми оширилишининг фаол тарафдоридир. Биз, олимлар, ёзувчилар, журналистлар, санъатшунослар, маданий-маърифий муассасалар ходимларининг жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари ва уларнинг ақл-заковати салоҳияти юксак баҳоланиши тарафдоримиз.

3.7. Халқ манфаатларига мос келувчи ташқи сиёсат

Бизнинг **ал-Хоразмий, Муҳаммад ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур, Бердах** ва бошқа кўплаб аждодларимиз ўзларининг илм ва маданиятга қўшган бебаҳо ҳиссалари билан Ватанимиз довруғини бутун жаҳонга ёйдилар.

Соҳибқирон **Амир Темур** қудратли ва гуллаб яшнаган давлат қуриб, Шарқ ва Ғарб мамлакатлари билан яқин дўстлик алоқаларини ўрнатди. «Буюк ипак йўли» марказида жойлашган ўлкамиз Осиё ва Европа ўртасида кўприк вазифасини ўтаган. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаши учун мустаҳкам маънавий-тарихий асос бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси, мазкур омилларга таяниб, давлатимиз ташқи сиёсат соҳасида қуйидагиларни амалга ошириши керак, деб ҳисоблайди:

— ялпи тинчлик, халқаро хавфсизлик, тенг ҳуқуқли ҳамкорлик, ҳорижий давлатлар билан ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларни изчил ривожлантиришга йўналтирилган ташқи сиёсатни ўтказиш;

— минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликка эришишга қаратилган тинчлик ташаббуслари билан мунтазам чиқиш;

— Марказий Осиё давлатлари билан иқтисодий, сиёсий, маданий ҳамкорликни чуқурлаштиришнинг фаол иштирокчиси, МДҲ давлатлари ва уларнинг халқлари ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик анъаналарини, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли алоқаларнинг изчил тарафдори бўлиш;

— Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида босиб ўтган йўли, қўлга киритган ютуқлари, мамлакатнинг бой маънавий-иқтисодий салоҳияти ва имкониятларини чет мамлакатларда кенг тарғиб қилиш масалаларига эътиборни кучайтириш.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси **хориждаги ватандошларимиз билан инсонийлик алоқаларини** ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, уларга республика маданий ҳаётида, иқтисодий ва ижтимоий дастурларни амалга оширишда, иштирок этиш ҳуқуқини бериш тарафдори. Биз — «халқ дипломатияси»нинг ривожланиши, Ўзбекистоннинг бошқа давлатлар ва халқлар билан яқин қўшничилик, дўстлик, маданий ва инсоний алоқаларининг мустаҳкамланиши мақсадида, турли мамлакатлар ижтимоий институтлари ва фуқаролари ўртасидаги муносабатлардан кенг фойдаланиш тарафдоримиз.

3.8. Миллий хавфсизлигимизни ишончли таъминлаш

Ўзбекистон Халқ демократик партияси мустақил Ўзбекистоннинг тинчликсевар ташқи сиёсатини юқори баҳолайди, айни пайтда, **миллий хавфсизликни ишончли таъминлашни** долзарб, вазифа, деб ҳисоблайди ҳамда давлатнинг қуйидаги масалаларни ечиш борасидаги изчил ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди:

— мамлакат тинчлиги ва хотиржамлигини самарали ва ишончли ҳимоя қилишга қодир, сони ва тузилиши бўйича таъсирчан, ўз таркиби жиҳатидан касбий тайёргарликка эга ва яхши таъминланган Қуролли Кучларни шакллантириш;

— ҳарбий хизматнинг нуфузини ошириш, унга чақириқ ёшида бўлган ўсмирларни аниқ мақсадли тайёрлаш, ҳарбий хизматчиларда Ватанга муҳаббат ва садоқат, юксак ахлоқий-маънавий сифатларни, юқори касб малакасини, аъло жанговар кўникмаларни тарбиялаш;

— ҳудудий яхлитликни таъминлаш мақсадида, давлат чегараларини мустаҳкамлаш бўйича, зарур ва етарли чораларни кўриш, чегараларимиздан қўпорувчи террорчилик гуруҳларнинг ва айрим жангари кучларнинг кириб келишига йўл қўймаслик;

— ички ишлар идоралари тизимини ислоҳ қилишни фуқаролар ва жамиятни, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини ҳимоя қилиш кафолати сифатида, террорчилик ва қўпорувчилик, турли шакллардаги экстремизм, уюшган жиноятчиликдан ишончли тарзда ҳимоялашни таъминлай оладиган омилга айлантириш мақсадида амалга ошириш;

— юз бериши мумкин бўлган ташқи тажовуз ва террорчилик гуруҳлари ҳамда жиноятчи тўдаларнинг мамлакат ҳудудига кириб келишига йўл қўймаслик мақсадида, дўст мамлакатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар билан, ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш.

IV. БИЗНИНГ МАФКУРАМИЗ — ТИНЧЛИК ВА ЯРАТУВЧИЛИК МАФКУРАСИДИР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўзининг **мафкуравий қарашларини** шакллантиришда, умуминсоний қадриятларга, аж-

13

додларимизнинг бой маънавий меросига, мамлакатимиздаги барча миллат ва халқларнинг миллий, тарихий ва маданий анъаналари, эътиқоди, динига таянади. Партия унда халқимиз асрлар давомида орзу қилган ва интилган, мустақиллик, озодлик, ижтимоий тенглик, меҳнатни улуғлаш, Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик каби ҳаётий муҳим ғояларни умумлаштиришга ҳаракат қилди.

Ушбу ғоялар 1993 йил декабрь ойида, дастурий ҳужжат сифатида, қабул қилинган **Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Миллий истиқлол мафкурасида** ўз ифодасини топди. Ўтган давр мобайнида улар вақт синовидан ўтдилар, дастурий мақсадимизнинг янги тарафдорларини партия сафларига жалб этиш, уларда фаол фуқаролик қарашларини ҳамда мамлакат ривожининг замонавий босқичларига жавоб бера оладиган дунёқарашни шакллантириш, партиямиз аъзоларини сиёсий тарбиялаш ишида ўз долзарблиги ва ҳаётийлигини кўрсатдилар.

Шу билан бирга, партиямиз томонидан тўпланган ижтимоий-сиёсий фаолият тажрибаси, амалга оширилган ислоҳотлар туфайли, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида рўй бераётган жўшқин ўзгаришлар **Миллий истиқлол мафкурасини** бойитиш, унинг қоидаларини янги мазмун билан тўлдириш, **партия Дастурининг ажралмас қисмига айлантириш** имконини беради.

Қуйидагилар партия **мафкурасининг** асосий тамойиллари ҳисобланади:

— Миллий мустақиллигимизнинг кенг кўламли истиқбол режалари ва мақсадларига мос келувчи ва ҳар бир инсоннинг фаол ҳаётий дунёқарашини шакллантиришни, унинг, ташаббускорлик, ижодий изланиш, маънавий баркамолликка эришишни кўзда тутувчи, **маънавий қадриятлар тизимига таяниш.**

— Шарқ халқларининг минг йиллик анъаналарини ўзида мужассамлаштирган ва эркинлик, тенглик ҳамда инсонпарварлик умуминсоний қадриятлари: инсонийлик ва инсонни севиш, катталарга ҳурмат ва кичикларга ишонч, ҳалоллик ва ҳаққиқатгўйлик, виждонлилик ва андиша, тўғрилик, адолат ва меҳр-шафқат каби одоб-ахлоқ меъёрларига амал қилиш.

— Жамиятнинг маънавий-ахлоқий қадриятлари ва ижтимоий ахлоқ асосларини шакллантиришда диннинг муҳим ўрнини тан олиш. **Барча динлар энг асосий нарсада бир фикрда эканлиги,** яъни уларнинг асрлар давомида одамларни ҳалоллик, юксак ахлоқ, атрофдагиларни ҳурмат қилишга, ўзаро тушуниш ва меҳнатсеварликка ўргатиб келаётгани, ҳақидаги ҳақиқатдан келиб чиқиб, Ислом маданияти қадриятларини ҳурмат қилиш билан бирга, бошқа динларга ҳурматсизлик билан муносабатда бўлинишига йўл қўймаслик.

— Асосида эзгуликка абадий интилиш ётган **анъанавий ахлоқий маданиятга мурожаат қилиш.** Жамоавийликнинг миллий анъаналари: маҳалла турмуш тарзи, жамоатчилик фикри билан ҳисоблашишга тайёрлик, ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва ўзаро ёрдам кўрсатишга ижтимоий эҳтиёж асосида инсоний муносабатлар маданиятини такомиллаштириш.

— Фан, билим ва маърифатга, юқори билимлиликка таяниш.

— Халқ донишмандлигининг туганмас манбаи, унинг тажриба ва анъаналарининг хазинаси бўлган **тарихга ҳурмат.**

Ўзбекистон тараққиётининг бугунги босқичида жамиятнинг барча аъзолари, мамлакатнинг барча фуқароларини ягона миллат, **ягона халқ бўлиб бирлашишида,** халқ ва давлат манфаатларининг олий устуворлигини таъминловчи кучли омил сифатида, миллий ғоянинг аҳамияти, айниқса, ортмоқда.

Партиянинг фикрича, бугун, мингйилликлар чегарасида, мамлакат ва халқ олдида турган улуғвор вазифалар: Ўзбекистон давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатда адолатли ва инсоний тузумни қарор топтириш, унда кучли фуқаролик жамияти ва унга мос давлат бошқаруви тизимини барпо этиш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, жаҳоннинг маданий-маърифий даражаси баланд халқлари ва замонамизнинг илғор давлатлари ҳамжамиятида Ватанимизнинг муносиб ўрнини таъминлаш **миллатни бирлаштирувчи байроқ бўлади.**

Ушбу ғояни амалга ошириш, унга киритилган кўп асрлик анъаналар, мамлакат халқининг интилишлари ва орзу-умидларини ривожлантириш ва бойитиш бирон-бир сиёсий куч, у ёки бу сиёсий партиянинг мутлақ ҳуқуқи эмас. Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ушбу ҳақиқатни чуқур англаган ҳолда, қуйидаги, **миллий мафкурадан келиб чиқувчи, умумдавлат миқёсидаги вазифаларни** амалга оширишда фаол иштирок этиш мақсадида:

— Одамларда ватанпарварлик туйғуларини, бунёдкорлик ўзгаришларда онгли ва масъулият билан қатнашишга интилишни шакллантириш.

— Ёш авлодни Ватанга муҳаббат, она заминга ва халққа садоқат, кўҳна тарих ва буюк аждодларга ҳурмат, фидойилик, Ўзбекистоннинг буюк келажагига ишонч ва уни ўз меҳнати билан яқинлаштиришга интилиш **руҳида тарбиялаш.**

— Мамлакат ҳар бир фуқароси онгига амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш, уларнинг самарадорлигини ошириш, миллий мустақилликни мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини яхшилаш масалаларини ечишдаги шахсий иштироки — унинг ватанпарварлик бурчи эканлигини сингдириш.

— Жамият руҳиятидаги ижтимоий боқимандалик кўринишлари қолдиқларини бартараф қилиш, ҳар бир одамда яхши яшашнинг ягона кафолати — ҳалол, унумли меҳнат эканлиги тушунчасини тарбиялаш.

— Аҳолининг сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий маданиятлилигининг, иқтисодий ва демократик ўзгаришлар таъсирчанлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири сифатида, **юксак даражасини таъминлаш;**

14

— Маънавий-маърифий ишларнинг кенг кўламли мажмуасини ташкил қилишнинг муҳимлигини таъкидлайди.

V. ПАРТИЯ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТНИНГ СИЁСИЙ ТИЗИМИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси, мамлакатда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялардан бири сифатида, алоҳида мақом ёки сўзсиз биринчиликка даъвогарлик қилмайди. У ўз фаолиятини мамлакатнинг амалдаги қонунлари доирасида, жаҳондаги, бу соҳага оид, илғор тажрибалардан фойдаланиб, дунёдаги умум эътироф қилинган демократик меъёрларга мувофиқ равишда амалга оширади.

Мамлакатда қурилаётган демократик жамиятни кўппартиялилик тизимисиз, шунингдек, сайловларда партия вакилларининг давлат ҳокимияти идораларида олган ўринларига кўра, **парламентда, кўпчиликни ташкил этувчи, ҳукмрон, идора этувчи ҳамда, унда озчилик ўринни эгаллаган, ижобий мухолифат партиялар сифатида,** фарқланишисиз тасаввур қилиб бўлмаслигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон ХДП, мазкур Дастурда ифодасини топган вазифаларни тадбиқ этишни мўлжалга олган ҳолда, давлат ҳокимияти тизимида ўзининг вакиллари учун тегишли ўринларни эгаллаш ниятидадир.

Бунинг учун ягона конституциявий йўл — Президент, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идоралари сайловларида иштирок этиш. Биз бунинг учун аксарият сайловчилар томонидан ўз номзодларимизни қўллаб-қувватланиши учун курашиш ниятидамиз.

Ушбу тамойиллар негизида партия парламентчилик фаолиятини асосий фаолият йўналиши, деб ҳисоблайди. Шундан келиб чиқиб, давлат ҳокимияти идораларида, партиянинг уни қўллаб-қувватловчи жамият аъзоларининг иродасини амалга оширишни таъминловчи, ХДПнинг депутатлар фракцияси ва партия гуруҳлари орқали, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятини шакллантиришда, қонунчилик фаолиятида, унинг давлатнинг ички ва ташқи сиёсатига маълум даражада таъсир кўрсатишида, минтақавий ва маҳаллий ижтимоий иқтисодий дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ташаббусини кўрсатишда, парламентчилик фаолиятининг бошқа шаклларида иштирок этишни кўзда тутади.

Партия, ўз ташкилотлари орқали, мамлакат ҳаётидаги барча ижтимоий-сиёсий соҳаларда бевосита иштирок этар экан, аҳоли ўртасида улар тўғрисидаги аниқ ижтимоий фикрни шакллантириш натижасида, мамлакатда амалга оширилаётган ўзгаришларга ўзининг жамоатчилик таъсирини кўрсатишни муҳим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон ХДП ўзининг дастурий мақсадларини амалга оширишда мамлакатда фаолият юритаётган бошқа сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва ҳаракатлар, ўз-ўзини бошқариш органлари ҳамда дастурий мақсадлари унга яқин бўлган хорижий сиёсий партиялар ва халқаро демократик ташкилотлар билан, тушунмовчилик ва сиёсий калтабинликка йўл қўймаган ҳолда, тенг ва амалий ҳамкорлик ҳамда шерикчилик қилишга тайёр.

Партия бошқа ижтимоий сиёсий кучлар билан ўзаро алоқаларини, бир-бирининг ички ҳаётига **аралашмаслик,** бир-бирининг манфаатларига зиён **келтирмаслик,** соғлом рақобат ва ўзаро муроса асосида қуради. Ўзбекистон ХДП ижтимоий адолат, демократия ва мамлакат тараққиёти учун курашаётган барча жамоат бирлашмалари ва ҳаракатлар билан ижтимоий ҳамкорлик тўғрисида қисқа ва узоқ муддатли шартномалар ҳамда битимлар тузишга, шунингдек, ўз шерикларини ижтимоий сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, уларнинг манфаатларини барча даражадаги давлат ҳокимияти вакиллик идораларида, ХДПдан сайланган депутатлар орқали, ифодалашга ва ҳимоя қилишга тайёрдир.

Партиямиз, виждон эркинлигининг умумбашарий негизларига асосланиб, барча ватандошлар диндорлар ва дахрийлар учун, ўзининг очиқ эканлигини эълон қилади. Партиямиз, мамлакатда вужудга келган тинчлик ҳамда ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш мақсадида, Ўзбекистондаги мавжуд барча бирлашмалар ва ҳаракатлар, шунингдек, диний ташкилотлар билан ҳам амалий ҳамкорликда бўлиш тарафдоридир.

***

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз сафларида, миллати, дини, эътиқоди, ижтимоий аҳволи ва келиб чиқишидан қатъий назар, мамлакатимизнинг муносиб ватанпарварларини бирлаштирган, Ватанга, унинг халқига хизмат қилиш ва уларнинг туб манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш масъулятини ўз зиммасига, ихтиёрий равишда, олган сиёсий партиядир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси учун Инсон, Халқ, Ватан манфаатларидан устун манфаат йўқ.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси бу халқчил партиядир!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ушбу Дастурда баён этилган мақсад ва вазифаларни ўз олдига қўяр экан, ўзининг ташкилотлари, сайланма органлари ва партия аъзолари куч ҳамда имкониятларини аҳоли ўртасида уларни кенг тарғиб қилишга, ҳар томонлама тушунтиришга ва амалга оширишга йўналтиради. Партия барча ватандошларимизни, — ХДПнинг сиёсий йўналишлари ва дастурий мақсадларини қўллаб-қувватловчи, эзгу ниятли кишиларни, — ташкилотимизнинг, мамлакатимиз миллий мустақиллигини мустаҳкамлаш, жонажон Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини яқинлаштиришга қаратилган, фаолиятининг фаол таянчлари бўлишга даъват этади.

15

ЁВУЗЛИК

ёхуд халқаро терроризм: Боткен воқеалари

Тўртинчи мақола

4. Уруш оловида исинишни истаётганлар...

Боткен воқеалари ривожи жамоатчилик учун мавҳум бўлган бир қатор масалаларга янада ойдинлик киритмоқда.

Яқинда бирлашган тожик мухолифати раҳбари Саид Абдулло Нурий чет эл радиоларидан бири орқали Москва шаҳрида содир этилган террористик актларга муносабат билдириб, мард киши бундай разилликка қўл урмайди, дея дунёга ўзини олижаноб қилиб кўрсатди.

Аслида-чи?

Хўш, Нурий жаноблари шундай олижаноб инсон эканлар, нега Боткенда ҳаракат қилаётган жангарилларга зимдан раҳнамолик қилмоқда? Нима, шунча тўкилган қонлар, бирадаркушлик урушлари ва унинг беҳисоб қурбонлари, қишлоқларнинг кунпаякун бўлиши етмаётганмиди? Буни қандай тушунмоқ керак?

Ёки навбатдаги «ўйин»ми бу?!.

Энг дахшатлиси, Боткен туманида ҳаракат қилаётган бу жангарилар бирлашган тожик мухолифати билан буткул чатишиб кетган.

Жаҳон оммавий ахборот воситаларида Саид Абдулло Нурийнинг Тожикистон ва Қирғизистон чегараси тамоман ёпилган, деган фикри баён этилган эди. Аслида бу ҳам расмиятчилик учун айтилган риёкорона гап экан. Террористлар Қирғизистон ҳудудида Саид Абдулло Нурий, Мирзо Зиёев каби мухолифат раҳнамолари йўл-йўриғи асосида ҳаракат қилаётгани ҳақида бугун аксарият газеталар ёзишмоқда.

Бу тўда бирлашган тожик мухолифати томонидан узлуксиз озиқ-овқат, қуроллар, қишлик кийим-бош билан таъминлаб келинмоқда. Икки ўртада махсус топшириқ олган чопарлар зир қатнамоқда.

Ҳарбий ҳаракатлар пайтида ярадор бўлган жангарилар Тожикистон Республикасининг Жирғатол тумани ва ҳатто Душанбе шаҳрига — вертолётларда олиб бориб — шифохоналарда даволанаётир...

Халқаро террористларнинг муддаоси ҳақида **«В конце недели»** газетаси аниқ тасаввур берган. Ислом дини номидан иш кўраётган халқаро терроризм асосан гиёҳванд моддалар савдосидан озиқ олишини Америка Қўшма Штатлари конгрессининг терроризм бўйича экспертлар гуруҳи директори Юсуф Боданский ҳам тасдиқлайди:

«Афғон толибларининг гиёҳванд моддалар савдосидан кўрадиган йиллик даромади 7 миллиард долларни ташкил этади, — дейди у. Ва мухбирнинг бин Ладен ядро чамадончаси сотиб олишга ҳам уриниб кўрган, бу мақсадга эришиш учун 3 миллион доллар сарф қилган, деган гаплар тўғрими? — деган саволига қуйидагича жавоб беради:

— Ҳа, бундай уриниш асосан Қозоғистон ҳудудида бўлган эди. Бин Ладеннинг югурдаклари эса, собиқ иттифоқнинг ядро қуролини ишлата биладиган собиқ хизмат ходимларини излаб топишга тушишди. Турли махфий хизмат манбаларига асосланиб айтиш мумкинки, бин Ладеннинг қўлида 20 тача тактик ядро зарядлари мавжуддир. Бундан ташқари у Россия, Чехия, Югославия ва Шимолий Кореядан турли ўлим ташувчи бактериялар ва токсинларни сотиб олиб, кимёвий ва бактериологик қуроллар арсеналини яратган. Ҳозир унинг жангарилар тайёрловчи лагерларида собиқ иттифоқ ҳудудидан келган бир қатор ҳарбий кимёгарлар ва биологлар ҳам хизмат қилишмоқда».

Шу уринда табиий савол туғилади: инсоният иккинчи жаҳон урушидан кейин ўзи яратган ва ўзи шуни маҳв этиш учун курашаётган, рўйи заминга ажал ваҳшатини солиб турган бу қуроллар, бу ҳаракат, бу йўл қаёққа олиб боради?

Иккинчи савол: исломий дунё ичкилик ичишни қатъиян қоралайди. Шундай экан, толибларнинг ароқдан минг чандон оғули гиёҳванд моддалар етиштириб, дунёни бузиши ва шунинг орқасидан тирикчилик қилишини қандай тушунмоқ керак?

Ва умуман, Ислом динининг наркобизнесга, инсон ҳуқуқларини оёқости қилишга, халқаро терроризмга нима дахли бор?

Нимадан далолат беради бу?

Халқаро террористлардан бирининг онаси куни кеча телевидение орқали: **— Агар у шундай одам бўлиб чиқишини билганимда, чақалоқлигидаёқ бўғиб ўлдирган бўлардим!** — дея надомат қилди.

Маънавият

Доғистонлик бир мўйсафид эса: **— Бу нашавандлар қурол билан бизни тарбия қилгани келибди! Шунақа нокаслик ҳам бўладими, ахир?!** — дея ёзғирди.

Бу нимани англатади?

Доғистонда, Боткенда тажовуз қилган террористларнинг гиёҳвандлиги бугун ҳеч кимга сир эмас.

Хўш, буни қандай тушунмоқ керак?

ХХ аср маърифатпарварларидан бирининг: — **«Илмий-техника инқилоби меваларидан баҳраманд бўлган бирорта садист алаҳсираб дунёга ҳукмдор бўлишни хоҳлаб қолади ва манқуртлар билан зомбиларни оммавий қирғин қуроли сифатида ишлаб чиқара бошлайди,** — деган фикри қуйидаги изоҳ билан янада мукаммаллик касб этади: — **Яна у ўз кирдикорини энг муқаддас тушунчалар билан ниқоблаб иш кўради...»**

5. «Энг катта орзуим — менга ишонган одамларнинг омонлиги, юртимнинг тинчлиги!»

Агар ёдингизда бўлса, 16 февраль воқеаларидан кейин орадан бир неча кун ўтгач, Президент Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамаси биносида ҳамда Хотира майдонида амалга оширилаётган таъмирлаш ва қурилиш ишлари билан бориб танишган. Шу ерда журналистлар билан бўлган мулоқотда **«Бир пайтлар: Энг катта орзуингиз нима?» деб сўрашганда, «Менга ишонган халқимни доим омон кўриш», деб жавоб берган эдим, — деган эди Ислом Каримов. — Бу гапимни бугун яна такрорлашим мумкин. Зеро, энг катта бойлигимиз — юртимизнинг тинчлиги ва осойишталиги».**

Президентнинг Боткендаги террористлар хуружидан бесаранжом, қўшни Қирғизистон билан чегарадош туманларга бориши, чегарачи зобит ва оддий аскарлар, халқ билан самимий мулоқоти одамларнинг фақат руҳини кўтариб қолмай, мамлакатимизнинг салоҳияти, куч-қудратига бўлган ишончни янада зиёда қилди. Шу ерда Ислом Каримов: — **Мен учун халқим, юртим тинчлигидан ҳам улуғроқ мақсад, бахт йўқ!** — деган фикрни яна бир бор таъкидлади.

Президент куюниб айтган бу ёниқ фикр ҳеч бир қўнгилни четлаб ўтгани йўқ. Қуйидаги шошилинчномалар ҳам шундан далолат беради.

«Ўзбекистон халқлари бугун кечаги одамлар эмас. Биз халқаро терроризм нима эканлигини жуда яхши биламиз. У ҳар қанча ҳамлакор бўлмасин, қўрқадиган одам йўқ. Нафрат ва оғоҳлик халқимизни бир мушт қилиб бирлаштирган. Қолаверса, юртимизга таҳдид қилувчи ҳар қандай ёвузликка кўкрагини қалқондек тутиб берувчи йўлбошчимиз — тоғдек таянчимиз бор», — деб ёзади навоийлик оқсоқол Иброҳим Норов.

«Ўзгаларни қийнашдан ва қирғин қилишдан зиғирча бўлса-да, ҳузур қиладиган кимсани соғлом одам дейиш мумкинми? — дейди қорақалпоғистонлик адиб Ўрозбой Абдураҳмонов. — **Террор террорчининг фақат қурбонларни эмас, аслида маънавий жиҳатдан ўзини ўзи ўлдириши эмасми?»**

«Террористларнинг манфур нияти Марказий Осиё ҳудудида яна битта уруш ўчоғини ёқишдир,»— деб ёзади наманганлик уруш фахрийси Х. Жамолов. — **Бундай ёвузликнинг этагини тутганларга минтақадаги тинч-тотувлик ёқади дейсизми?**

Дўст оғир кунда билинади, деган ҳикмат бор.

Президентимизнинг халқаро терроризмга қарши курашда Қирғизистон ҳукуматига мададкор бўлиши, минтақадаги тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш йўлидаги амалий ҳаракати, жонбозлиги қардошларимизга қандай қувват бўлаётганини тасаввур этиш қийин эмас!»

«Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳаётнинг бор қийинчилигини бошдан кечирганмиз, вайрон бўлган шаҳарларни, қишлоқларни қайта тиклаш уқубати нима эканлигини жуда яхши биламиз, — деб ёзади оқсоқол Муяссар Нуриддинов. — **Шунинг учун ҳам бир ниҳол эккан, бир кўприк қурган инсонни, савоб ишларни, тинчлик ва осойишталикни кўзга тўтиё қиламиз. Унга тажовуз қилаётган қора кучни кўргани кўзимиз, отгани ўқимиз йўқ!**

Осойишталигимизга рахна солмоқчи бўлган бу манфур тўдалар қайси муттаҳамнинг «арава»сига миниб, қайси нокаснинг «қўшиғи»ни айтмоқда?!»

«Биз қирқ тўрт миллат фарзандлари ҳамиша елкама-елка ишлаб келамиз, — деб ёзади «Газлитрансгазқазиш» бошқармаси ишчиси Владимир Егоров. — **Ўзбекистон озодлигини барчамиз бирдек Ватан озодлиги, унинг дахлсизлигини эса, кўпмиллатли оиламиз дахлсизлиги деб биламиз. Марказий Осиё ҳудудида нотинчлик келтириб чиқаришга уринаётган халқаро террористлар бу қадим дунё кўрки бўлган тинчлик, тотувлик, яратувчилик, дўстлик деган мўътабар тушунчаларни қаёқдан билсин? Инсоният шу пайтга қадар терроризмни ёқламаган. Чунки у вабога ўхшайди. Вақтида унинг олди олинмаса, ҳаётни сўлдиради. Шунинг учун ҳам уни таг-томири билан қуритиб ташлаш учун якдиллик билан қурашишимиз керак!»**

«Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда», — дейди Президент Ислом Каримов. Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари ҳам шундай уқтирган: **«Аллоҳ дилингда, қўлинг меҳнатда бўлсин!»**

Меҳнатга бўйни ёр бермаган бировга чоҳ қазийди, шу чоҳга йиқилса, талон-торож қиламиз, деб ўйлайди. Аммо кўпни кўрган кишилар айтадики, **«Бировга чоҳ қазиган, ўзи йиқилади!»**

Тарих ҳам шундан гувоҳлик беради: америкалик ном чиқарган жаллод Жон Вуд қатлнинг ХХ асрдаги даҳшатли усули — электр курсини ясаган кимсадир. Шуни айтиш керакки, Жон Вуд шундай ускуна яратганидан руҳланиб кетиб, биринчи бўлиб унга ўзи ўтирган, синаб кўрмоқчи бўлган ва ўзи яратган машъум курсининг биринчи қурбонига айланган...

Тарихда бундай мисоллар жуда кўп. Буни унутмаслик керак! Шу пайтга қадар халқнинг қарғишидан, Аллоҳнинг ғазабидан ҳеч ким қочиб қутулган эмас.

Ғаффор ҲОТАМОВ,
Шодиқул ҲАМРОЕВ

«Асил-нон» жамоа корхонасига тегишли 1995 йил 14 июлда берилган № 013496 рақамли хўжалик субъектини корхона ва ташкилотларнинг Давлат регистрига қўшиш ҳақидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармасида рўйхатга олинган «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг 211; 411 хона муҳрлари
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43

Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир
Хайдар НОСИРОВ,
навбатчи
Юсуф ЖЎРАЕВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида.
А—2 форматда.
18.117 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0624

Босишга топшириш вақти 21.00.
Топширилди — 02.50
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА